

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

5230100 – Иқтисодиёт таълим йўналишининг

54-15 гуруҳ талабаси Абдуалимов Хусниддин Ҳикмат ўғли

**“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ундан
фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари” (Республика**

қишлоқ хўжалиги мисолида)

Мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: “Иқтисодиёт” кафедраси катта

ўқитувчиси Нурмухаммедова М.Қ.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|--------------|
| КИРИШ | 3 |
| I БОБ. ИНФРАТУЗИЛМА ВА УНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 7 |
| 1.1. Инфратузилмани вужудга келишининг илмий - назарий асослари..... | 7 |
| 1.2. Инфратузилманинг мазмуни, вазифалари ва турлари..... | 12 |
| II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 19 |
| 2.1. Қишлоқ хўжалигини техника билан самарали таъминлашни ташкил этиш..... | 19 |
| 2.2. Фермер хўжаликларида минерал ўғитлар таъминоти ва ўсимликларни химоя қилиш..... | 25 |
| 2.3. Фермер хўжалиklarини молиявий таъминотида минибанкларнинг ўрни..... | 32 |
| 2.4. Фермер хўжаликларида бозор хизматларини ташкил этиш..... | 41 |
| III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ | 49 |
| 3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш босқичлари ва йўналишлари..... | 49 |
| 3.2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари..... | 58 |
| ХУЛОСА | 65 |
| Фойдаланган адабиётлар рўйхати | 69-73 |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик шакли бўлган фермер хўжаликлар фаолияти самарадорлиги қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигига катта боғлиқ. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарининг асосий функционал вазифаси фермер хўжаликларида такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда уларга хизмат кўрсатиш, асосий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш, унга турли шаклдаги хизматларни кўрсатишдан иборат. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, товар шаклидаги хизмат турларини кенгайтириш ва аҳолига бу турдаги хизматлардан самарали фойдаланишлари учун қулайликлар яратиш, пировард натижада аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдир.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифадир.

Кейинги йилда кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, ғалла ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш керак. Бу соҳа янги эканлиги сабабли, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Уруғчиликда асл навларни яратиш мақсадида, тажриба-селекция ишларини тубдан жонлантириш лозим. Бунинг учун уруғчилик ва селекция билан шуғулланадиган институтларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик асосида уруғчилик кластерларини ташкил қилиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик бўйича янги тармоқларни ривожлантиришимиз зарур.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг йиллик чорва озукасига бўлган эҳтиёжининг фақат 35 фоизи маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда. Шу сабабли янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш эвазига чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кескин кўпайтиришимиз керак.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида миллий иқтисодиётда қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ёритиш масалалари таниқли олимлар томонидан ёритилган. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш масаллари Президентимиз Ш.М. Мирзиёев асарларида кенг акс этган. Шу жумладан, республикамиздаги олимларидан Алиева М.Т., Ирматов М.М., Мирзаев. Р.А., Норчаев А.Н., Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А., Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х., Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. асарларида ёритилган. Хорижий олимлардан Кабушкин Н. И., Биржаков М.Б., Гуляев В.Г., Ильина Е.Н., Козырев В.М., Янкевич В.С., Федко В.П., Федко Н.Г., Макконел Кэмпбелл Р., Брю Стенли Л., Brassington, F. and Pettit, S., Wright, L.T. and Crimp, M., Richard Sharpley and David J. асарларида инфратузилма тармоқларини иқтисодиётдаги ўрни кенг ёритиб берилган.

Тадқиқот мавзусининг мақсади ва вазифалари. Малакавий ишнинг мақсади – иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ инфратузилмасини тармоқларини ривожлантиришнинг имкониятларини аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилаб беришдан иборатдир. Мақсадга эришиш вазифалари қуйидагилардан иборат: инфратузилмани ривожлантиришнинг назарий асосларини ёритиб бериш; қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш босқичлари ва

йўналишларини ёритиб бериш; қишлоқ хўжалигини техника билан самарали таъминлашни ташкил этиш; фермер хўжаликларида минерал ўғитлар таъминоти ва ўсимликларни ҳимоя қилиш механизмини акс эттириш; фермер хўжаликларини молиявий таъминоти масалларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Битирув малакавий ишининг объекти Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини самарадорлигини ошириш зарурияти, йўналишлари ва истиқболлари бош мақсад деб белгилаб қўйилган. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда қишлоқ инфратузилмаси тармоқлари, жумладан, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ривожлантириш зарурлиги ҳақида ахборот берилган.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти. Мавзуни ёритиш жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, статистик, графикли ва математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бозор иқтисодиётида инфратузилма мақсади, турли бозорларда иқтисодий субъектларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат бўлган ўзаро боғлиқ бўлган институтларнинг ўзига хос қуйи тизимини ифода этади, бу эса уни экологик, ахборот, ижтимоий, тижорат институционал, молия-кредит ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг мажмуи сифатида қараб чиқиш имконини беради.

Инфратузилма соҳасининг мохиятини ёритиш жараёнида унинг қуйидаги бир нечта жиҳатларга эътибор бериш лозим: хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади; инфратузилманинг ривожланиши ва тараққий этиши кўпгина ҳолларда у хизмат қилаётган соҳанинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва аксинча; инфратузилма тармоғининг турлари қайси соҳага хизмат қилишига боғлиқ; жамият ривожланиши, тараққий этиши билан инфратузилма тармоғининг хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб боради.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Битирув малакавий иш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда инфратузилма тармоқларини комплекс тарзда шакллантириш ва ривожлантириш масалалари мамлакат миқёсида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, самарали фаолият олиб бориши учун асос эканлиги ва ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва уларга турли хизматлар кўрсатиш жараёнида маълум вазифаларга эга бўлган тармоқларнинг иқтисодий тизими сифатида вужудга келиши сабаб бўлади.

Инфратузилма худудий меҳнат тақсимоли асосида юзага келган ишлаб чиқариш ва унинг алоҳида тармоқлари ўртасида такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминловчи соҳалар ҳамда аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Тадқиқот ишининг ҳажми. Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, услуб ва услубияти, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти ва ҳажми кўрсатилган. Асосий қисми уч бобдан иборат. Биринчи бобда инфратузилма ва унинг илмий-назарий асослари баён этилган. Иккинчи бобда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасини самарадорлигини ошириш йўллари ўз аксини топган. Учинчи бобда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасини замонавий ҳолати ва истиқболлари ёритиб берилган. Хулоса қисмида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида эришилган ютуқлар ва ривожланиш йўналишлари берилган.

I БОБ. ИНФРАТУЗИЛМА ВА УНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инфратузилмани вужудга келишининг илмий - назарий асослари

Инфратузилмани вужудга келишининг асосий сабаби ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, самарали фаолият олиб бориши учун асос эканлиги ва ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва уларга турли хизматлар кўрсатиш жараёнида маълум вазифаларга эга бўлган тармоқларнинг иқтисодий тизими сифатида унинг моҳиятини очиб беришда муҳим назарий тушунча бўлиб хизмат қилади. (21)

Иқтисодий адабиётларда “инфратузилма” тушунчаси мазмунига нисбатан бугунги кунда бир хил қарашлар йўқ, бу эса мазкур категориянинг моҳиятини очишга нисбатан олимлар орасида турли ёндашувлар борлиги билан изоҳланади. Жаҳон тажрибасида инфратузилма тушунчаси XX аср бошларида биринчи бор ҳарбий қуролли кучларнинг тўлақонли фаолият юргизиши учун зарур бўлган объектлар ва иншоотлар мажмуаси сифатида муомалага киритилган. Ғарб давлатлари тараққиёт босқичининг 1940 йилларига келиб инфратузилмани моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармоқ ва муассасаларининг яхлит бир таркиби сифатида тушунишган. 1970–1980 йиллардан собиқ иттифоқ республикаларининг иқтисодий адабиётларида, одатда, инфратузилмани муҳандис – техник бино ва иншоотларнинг йиғиндиси сифатида кўрилган.

Иқтисодий адабиётда инфратузилма терминига турлича изоҳ берилган. Луғавий маъносига қарайдиган бўлсак инфратузилма (лотинча *infra* - қуйи, *struktura* - жойлашув, тузилиш) турли туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан

таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ушбу тушунча иқтисодиёт назарияси фани тушунчалари мажмуида дастлаб XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлди. Уни иқтисодий тизимдаги мустақил элемент сифатида қарашга ундовчи сабаблар бир томондан ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашув жараёнлари; бошқа бир томондан эса – инфратузилмани фақат бозор механизми орқали тўлақонли ривожлантириш мумкин эмаслиги билан изоҳланади. Бу эса инфратузилма муаммоларини тадқиқ этишга икки асосий ёндашувни шакллантириш имконини берди. Биринчи ёндашув инфратузилмани ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви нуқтаи назаридан таҳлил этишни кўзда тутса, иккинчи ёндашув эса - инфратузилма ривожланишини тартибга солишда давлатнинг мавқеини ошириш зарурияти ва хўжалик амалиёти нуқтаи назаридан таҳлил этишни ифода этар эди.

Ғарб илмий ва ўқув адабиётларида яхлит иқтисодиёт тармоқлари инфратузилмаси дейилганда, инфратузилмани миллий иқтисодиёт даражасида фуқаролар ва фирмалар томонидан улардан фойдаланиш одатда давлат томонидан таъминланадиган капитал қурилмалардир (йўллар, шаҳар транспорт тизимлари, сув тозалаш қурилмалари, муниципал сув таъминоти тизимлари, аэропорт)”, шунингдек, “инфратузилма фирма учун – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматлар ва қурилмалардир (сув таъминоти, электроэнергия, ишлаб чиқариш чиқимларини олиб кетиш, юкларни ташиш, илмий – тадқиқот ва лойиха – конструкторлик ишлари, молиявий ва банк хизмати)”. Уларни ўз маблағлари билан ташкил этиш қимматга тушганлиги боис давлат ва бошқа фирмалар томонидан таъминланади деб таъкидлаганлар. (20)

Таниқли иқтисодчи олим П.Самуэльсоннинг инфратузилмани ривожлантириш иқтисодиётнинг асосий тармоқларида хусусий тадбиркорларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаши учун қулай шароит

яратиб беришига олиб келади деб берган таърифи бугунги кунда ўтиш даври шароитида хусусий тадбиркорликни шаклланиши ва улар мавқеининг мустаҳкамланиши учун муҳим назарий ва амалий асосдир. (23)

Рус иқтисодий адабиётларда ҳам инфратузилма тушунчасига нисбатан яхлит фикрлар учрамайди. Россия иқтисодий адабиётида келтирилган қуйидаги таъриф бир мунча умумлашган таъриф ҳисобланади: “Инфратузилма - бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (ижтимоий) соҳаларининг ёрдамчи тармоқлари (қуйи тармоқлари) нинг умумийлигидир.” Инфратузилманинг кўпчилик талқинларида муаллифларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, тармоқлар тўплами назарда тутилсада, аммо тармоқ тўплаларидаги рангбаранглик уни турлича тушунишга олиб келади. Хусусан Н.Ф.Чернявский саноат ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи халқ хўжалиги тармоқлари мажмуини: юк сақлаш омборлари, аэродромлар, кўприклар, портлар, сув омборлари, каналлар, автомобил йўллари қуриш, энергетика хўжалиги, темир йўл транспорти, алоқа, сув таъминоти ва канализация, умумий ва касбий таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва шу каби соҳаларга харажатларни инфратузилма, деб атайди. Кўплаб тармоқларни санаб ўтишга интилиш одатда тушунчанинг мавҳумлашишига олиб келади, бунинг натижасида эса категориянинг моҳияти ҳам йўқолиб боради. (28)

Инфратузилмага А.Селезнев томонидан келтирилган таъриф ўзининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича, «қишлоқ инфратузилмаси минтақадаги субъектлар ўртасида моддий, молиявий ва бошқа маълум шаклланишни таъминловчи объектлар, институционал тузилмалар мажмуи бўлиб, ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол соҳаларини ягона занжирга бирлаштиради. Иқтисодиётда моддий, молиявий ва ахборотлар оқимини айлантиришни тезлаштириш ҳамда ижтимоий ривожланиш самарадорлигини оширишни таъминлайди. (24)

Юқорида келтириб ўтилган таърифлар маълум бир авфзалликларга эга бўлишига қарамасдан, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа элементларинигина қамраб олиш билан чекланиб қолганлиги сабабли, яхлит тарзда инфратузилманинг иқтисодий функцияларини, жумладан макроиқтисодий тизимнинг институционал, молиявий инфратузилма каби муҳим элементларини тўла қонли акс эттира олмаган. Бозор иқтисодиётида инфратузилма мақсади, турли бозорларда иқтисодий субъектларнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат ўзаро боғлиқ бўлган институтларнинг ўзига хос қуйи тизимини ифода этади, бу эса уни экологик, ахборот, ижтимоий, тижорат, институционал, молия-кредит ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг мажмуи сифатида қараб чиқиш имконини беради.

Ўзбек олимлари томонидан инфратузилма кенг тадқиқ этилган бўлиб унга турлича таърифлар берилган. Кўпчилик адабиётларда инфратузилманинг функционал вазифалари ва хизмат турига қараб назарий-таъриҳчи олимлар методологик нуқтаи назардан уни иккита гуруҳга: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмаларига бўлганлар. Масалан А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевларнинг ёзишларича: Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад яратади; ижтимоий инфратузилмаси соҳалари (маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва б.) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, инсон омилларини фаоллаштиришга хизмат қилади. (27)

Баъзи адабиётларда “инфратузилма – такрор ишлаб чиқариш шарт – шароитларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаси - бу энергияни таъминловчи, транспорт ва алоқа занжиридир”. Шунингдек, “инфратузилма – бу халқ хўжалигини юргизиш туриш учун умумий шароит яратиш берувчи соҳалардир. Уларнинг фаолият натижаси – натура шаклдаги маҳсулотлар эмас, балки хизматлардир”. (14)

Турсунов А. Ғ. ўз тадқиқотларида “инфраструктура мажмуаси – бевосита моддий неъмат ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган (ишлаб чиқариш инфратузилмасидан ташқари), аммо ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитини ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари мажмуидан иборат”, деб таърифлаган. (33)

Умуман олганда, инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир. Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалардан иборатдир, деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг кириб келиши билан инфратузилманинг кўлами кенгайиб, бозор инфратузилмаси, институционал инфратузилма, банк инфратузилмаси, биржа инфратузилмаси, инвестицион инфратузилма каби атамалар муомалага кириб келмоқда.

Ч.Муродовнинг фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида жамият миқёсида инфратузилма олтига йўналишда, яъни ишлаб чиқариш, ижтимоий – маиший, институционал, шахсий, экологик ва бозор муносабатларига мос равишда ажралиб чиқади ва шаклланади. Бу инфратузилмаларни бир – биридан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятларини ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир. (34)

Шундай қилиб, юқорида инфратузилмага таъриф беришда адабиётларда, инфратузилманинг алоҳида йўналишларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишни таълаб этади. Шунингдек, ҳудуд(вилоят)ни ягона мажмуа сифатида ўрганилган илмий изланишларнинг йўқлиги ҳам бу борада маълум қийинчиликларни туғдиради. Хозиргача инфратузилмани яхлит ҳудуд нуқтаи назаридан тўлиқ қамраб оладиган даражада таҳлил қилиб ўрганилмаган. Аксинча, бозор инфратузилмаси, ишлаб чиқариш

инфратузилмаси шаклида ўрганилган. Шунингдек, иқтисодчи олимлардан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаев, Ч. Муродовлар бозор инфратузилмасига атрофлича тариф берган ва Ўзбекистон миқёсида ўрганганлар. Юқорида келтирилган ва бошқа таърифларни танқидий, ижодий ўрганиш асосида инфратузилмага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқдир.

Инфратузилма барча хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларининг шаклланишида бевосита иштирок этувчи, уларни манфаатларини мувофиқлаштирувчи, тизимли йўналтирувчи, ишлаб чиқаришдан истеъмолчига бўлган жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашга ҳамда аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган муассасаларни ўз ичига олувчи бир бутун тизимдир.

1.2. Инфратузилманинг мазмуни, вазифалари ва турлари

Инфратузилма барча хўжалик субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг шаклланишида бевосита иштирок этувчи, уларнинг манфаатларини мувофиқлаштирувчи, тизимли йўналтирувчи, ишлаб чиқаришдан истеъмолчига бўлган жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашга ҳамда аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган муассасаларни ўз ичига олувчи бир бутун тизимдир.

Инфратузилма минтақанинг кўпгина молиявий, ижтимоий, ҳуқуқий, ахборот, экологик, бошқарув ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқаришнинг самарали олиб борилишига бевосита таъсир кўрсатади. Инфратузилма муассасалари ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўп ҳолларда давлат томонидан ташкил этилади ёки мавжуд инфратузилма муассасалари давлат томонидан рағбатлантириб борилади. (22)

Шу билан бирга инфратузилма жамиятда инсонларнинг ишлаб чиқаришдаги самарали иштироки учун шарт-шароит яратувчи ишлаб

чиқариш кучларининг бир қисмидир. У жамият ва унинг аъзолари ўртасидаги эҳтиёжлар борасидаги иқтисодий жараёнларни ифодалайди.

Инфратузилманинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун умумий шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади. Инфратузилма мажмуасида маҳсулот яратилмайди, унинг асосий маҳсулоти - хизматлардир. Ишлаб чиқариш жараёнидаги вазифасига боғлиқ ҳолда инфратузилма материал ишлаб чиқаришда умумий шароитларни таъминловчи ишлаб чиқариш ва инсон капиталини ишга тушириш, аҳолининг турли эҳтиёжларини қондириш учун шароитлар яратувчи ижтимоий-иқтисодий кўринишларга эгадир.

Инфратузилманинг тўртта тури мавжуд.

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади.
2. Ижтимоий инфратузилма таркибига ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт турар жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасалари, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумовқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспортлар киради. Ижтимоий инфратузилма – инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндиси.
3. Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмасида, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.
4. Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб – қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга

солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари, молия-кредит муассасалари ва бошқалар киради. (25)

Инфратузилмага кирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсир кўрсатмайди ва жамият ишлаб чиқаришида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу туфайли инфратузилма тармоқларини асосий кўрсаткичлари бўйича туркумлаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Инфратузилма туркумланиши алоҳида элементлари билан бирга бутун тармоқларнинг жамият ишлаб чиқариш тизимидаги ўринларини белгилашга ёрдам беради. У тармоқлараро алоқаларни ўрганишга ва асосий ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш тармоқлари орасида оптимал мувозанатни белгилашда кўмаклашади.

АСМ инфратузилмаси элементларини қуйидаги тўрт хусусияти орқали туркумлаштириш мумкин: ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси билан; ҳудудий; тармоқ; функционал йўналтирилганлиги бўйича.

АСМ инфратузилмасини ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин: ишлаб чиқариш; ижтимоий.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи объектлар ишлаб чиқариши харажатларининг ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_{и} = \frac{K \text{ ёки } B}{M_{и}}$$

Бу ерда: $K_{и}$ – ишлаб чиқариш инфратузилмасига кетган харажатларнинг ўз-ўзини қоплаши;


$K \text{ ёки } B$ – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати;

$M_{и}$ – ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари.

Ҳудудий хусусияти ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича тармоқлар қуйидагиларга бўлинади: инфратузилманинг халқ хўжалиги

тармоқлари; ҳудудий тармоқлар; аниқ корхонада маҳаллий ёки ишлаб чиқариш тармоқлари.

Халқ хўжалиги инфратузилмаси бутун халқ хўжалигининг самарали ишлашига хизмат қиладиган тармоқ ва хизматлардан иборат. Шундай қилиб, у ягона энергетик, транспорт, алоқа тизимлари буюк инфратузилма мажмуи ҳисобланади; халқ хўжалигининг электрэнергиясига, почта, телеграф ва транспорт алоқларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган.



1.1 - чизма. АСМ инфратузилмаси элементларининг туркумланиши

Ҳудудий инфратузилма алоҳида иқтисодий районларнинг ривожланиш ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуилари шаклланиши билан боғлиқ.

Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналарнинг фаолиятини таъминлайдиган элемент ва ишлаб чиқаришдан иборат. Локал инфратузилмага ички хўжалик ва хўжаликлараро йўл қурадиган ташкилот мисол бўла олади.

Тармоқ хусусиятлари бўйича инфратузилма тармоқлараро инфратузилма ва тармоқ ички инфратузилмасига бўлинади.

Тармоқлараро инфратузилма халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига хизмат қилишга йўналтирилган. **Тармоқ ичи инфратузилмаси** эса конкрет тармоқнинг ишлашига ёрдам беради.

Функционал йўналтирилганлик бўйича АСМ инфратузилмасида иккита соҳани кўриш мумкин: бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳа ҳамда пировард маҳсулот истеъмолчига етиб боришини таъминлайдиган соҳа. Биринчи соҳа машина таъмир-таъминоти тармоғи, транспорт-мелиоратив, сув таъминоти ташкилотлари, агрономия, ветеринария, информация хизматлари, моддий-техника таъминоти ва электрлаштириш тизимларидан, иккинчи соҳа эса маҳсулотни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ташкилотларидан иборат. АСМ нормал ишлашини турли қадоқлаш материалларининг етарли миқдорисиз таъминлаш мумкин эмас. (7)

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи қуйидаги тармоқлар киради: ишлаб чиқаришга йўналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хўжаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алоқа, электроэнергия узатиш линиялари, техник хизмат станциялари, сув таъминоти, буғ таъминоти, илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари, ҳисоб марказлари.(1.2.-чизма)



1.2 - чизма. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши

Инфратузилманинг энг йирик тармоқларидан бири транспорт хўжалиги ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳаракати жараёнини транспортсиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатаётган транспортлар фаолияти узоқ даврни ўз ичига олади. Даставвал қишлоқ хўжалигида транспорт вазифасини ўтаб келган иш ҳайвонларидан фойдаланилган.

Етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларгача бўлган узлуксизлигини таъминлашга ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иккинчи йирик тармоғи хизмат қилади. Бу тармоққа

маҳсулотларни саралаш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар киради.

Хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқарилгандан сўнг уни саралаш ва тайёрлаш ишлари олиб борилади. Саралашда маҳсулот таркибидаги озуқа моддалари кўринишига қараб икки гуруҳга бўлинади. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни сақлаш учун тайёргарлик кўришга имкон яратади. Чунки саралаш жараёнида маҳсулотнинг пишиш даражаси, нави ва турига қараб, сақлаш дастури ишлаб чиқилади. Маҳсулотнинг қисмини қайта ишлашга топшириш, иккинчи бир қисмини эса сақлаш масаласи ҳал этилади. (23)

Маҳсулотларни саралаш ишлари олиб борилмаса, саралаш жараёнидаги эътиборсизлик ва камчиликлар туфайли исрофгарчиликка йўл кўйилиши мумкин. Сараланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ишлари уларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Умуман, қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотнинг турига қараб, уларни сақлаш учун замонавий омборхоналар ва совутгичлар қурилишини ташкил этиш керак. (8)

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш, яъни истеъмолчига етказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ҳозирги пайтда республикамизда тажриба йўқлиги ҳамда хўжаликлар бозор ҳолатини билмасликлари сабабли кўп ҳолларда касодга учрамоқда. Хўжаликларда маҳсулотни сотишдан аввал бозор конъюнктурасини билиш лозим.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси маҳсулот ишлаб чиқармайди, балки уни ишлаб чиқариш учун зарур, бўлган шароитларни яратишни таъминлайди. Инфратузилма элементлари иқтисодиётнинг мазкур тизимга юклаган вазифаларнинг ўзига хос натижасидир. Бу вазифалар вақт ўтгани сари ўзгариб, асосий ишлаб чиқариш функциялари янада кенгайиб боради.

II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Қишлоқ хўжалигини техника билан самарали таъминлашни ташкил этиш

Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги қабул қилинган Фармоннинг учинси асосий йўналиши бу иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Ушбу йўналишнинг асосий қисмларидан бири бу қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришдир. (3)

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши мавжуд техникавий ҳамда технологик салоҳиятидан фойдаланишнинг ташкилий шакллари ислоҳ қилишга олиб келди. Маълумки, фермер хўжаликларига янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш маҳсулот етиштириш хажмини кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш, кўл меҳнатини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Фермер хўжаликларига кенг кўламли қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилма хизматлари кўрсатишда АЖ МТП корхоналари тизимини тутган ўрни беқиёсдир.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 95-сонли қарорига асосан машина-трактор парклари (МТП) ташкил этилиб, бугунги кунга келиб уларнинг сони ўсиб бормоқда. Ушбу турдаги МТП акциядорлик жамиятлари шаклида тузилган бўлиб, булар акциялар пакети давлат ихтиёридадир, яъни ушбу тузилмалар давлат томонидан назорат қилинади.

Машина трактор парклари очик акциядорлик жамияти (АЖ МТП) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик корхона ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳамда ўз устави асосида ташкил этади.

АЖ МТП ҳуқуқий шахс ҳуқуқларига эга шўъба корхоналар ва унга тобе жамиятларга эга бўлиши мумкин. Корхона мустақил баланс юритади, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий банк муассасаларида ҳисоб рақамларини ва бошқа рақамларни очади, АЖ МТПнинг тўлиқ номи давлат тилида ёзилган ва жойлашган жойи кўрсатилган юмалоқ муҳрга, штампга, иш қоғозлари ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа идентификация воситаларига эга.

АЖ МТП акциядорлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамяят акциядорлари реестрига киритилиш;
- дивиденд кўринишида жамият фойдасининг бир қисмини олиш;
- жамяят тугатилган тақдирда, ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамяят бошқарувида иштирок этиш;
- мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамият молиявий фаолияти натижалари ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний маълумотни олиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида турли уюшма ва бошқа жамоа ташкилотларига бирлашиш;
- вужудга келиши мумкин бўлган зиёнлар ва (ёки) қимматли қоғозларни сотиб олишда зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни суғурталаш.

АЖ МТПнинг ҳар бир оддий акцияси акциядор - акция эгасига бир хил ҳажмда ҳуқуқ беради. Оддий акция эгалари амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида, унинг ваколатларига кирувчи барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

АЖ МТПнинг устав жамғармасининг тақсимланиши:

- 2 % - жойлаштирилган меҳнат жамоаси улуши;

- 35 % - “АЖ МТПлар бирлашмаси” низом жамғармасини шакллантириш учун берилган давлат улуши;

- 34 % - жойлаштирилган қишлоқ хўжалик корхоналар улуши;

- 25 % эркин савдо улуши;

Акция ўзининг номинал қийматига эга бўлади.

АЖ МТПнинг устав жамғармаси акциядорлар томонидан сотиб олинган акциялар номинал қийматидан ташкил этилади. Жамият томонидан чиқарилаётган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши шарт. Устав жамғармаси шакллантирилишининг охириги муддати қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йилдан ошиши мумкин эмас. Белгиланган муддат тугагандан сўнг, таъсисчи томонидан тўланмаган акциялар бекор деб эълон қилиниши керак. Устав жамғармаси миқдори оширилганда, акциялар учун тўловни амалга ошириш муддати қимматли қоғозлар чиқарилиши белгиланган тартибда тегишли давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб, бир йил деб белгиланади.

Оддий акциялар билан биргаликда АЖ МТП бир ёки бир нечта турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли, ушбу акцияларнинг номинал қиймати унинг устав жамғармасининг 20 фоизидан ошмаслиги керак. Битта тўланган оддий акция акциядорлар умумий йиғилишида битта овоз ҳуқуқини беради.

АЖ МТПнинг ҳар бир иштирокчиси акциядорлик жамияти акциясини сотиб олгандан сўнг, амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ва қуйида "Акциядор" деб аталади. Акция ва бошқа қимматли қоғозлар учун тўлов пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, шу жумладан пул қийматига эга ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ) ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

АЖ МТП фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш бўлиб унинг фаолиятининг предмети куйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техника хизматини курсатиш;
- хўжаликлар билан тузилган шартномаларга асосан тракторларни ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тузатиш уларга техник транспорт хизматини курсатиш моддий техника ресурслари билан таъминлаш;
- хўжаликлар билан технологик хариталарга мувофик механизациялаштирилган қишлоқ хўжалик ишларини, хажмларини ва бажариш муддатларини белгилаш, килинадиган ишларни уз вақтида агротехника муддатларида бажариш;
- тупрокка ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини парвариш қилиш, хосилни йиғиб олиш ва бошқа хизматларда механизациялашган ишларни бажариш.

АЖ МТПнинг бошқариш органлари деб куйидагилар ҳисобланади:

Акциядорлар умумий йиғилиши; Кузатув кенгаши; Ижроия органи.

Акциядорлар умумий йиғилиши АЖ МТПни бошқариш олий органи ҳисобланади. Жамият ҳар йилда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказди. Акциядорлар ҳисобот умумий йиғилиши йилига бир маротаба, аммо молиявий йил туганидан сўнг олти ойдан кечиктирмасдан ўтказилади. Акциядорлар ҳисобот умумий йиғилишида мажбурий тарзда жамият йиллик ҳисоботи ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Кузатув кенгаши ваколатларини муддатдан аввал тугатиш ҳақидаги қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат барча кузатув кенгаши аъзоларига нисбатан қабул қилиниши мумкин. Жамият кузатув кенгаши ваколатлари муддатдан аввал тугатилса, навбатдан ташқари умумий йиғилишда сайланган янги кузатув кенгаши ваколоти кейинги йиллик умумий йиғилиш ўтказилгунча давом этади. Жамият кузатув кенгаши раиси, кузатув кенгаши томонидан ўз аъзолари ичидан умумий аъзолар сонининг кўпчилик овозлари билан сайланади.

АЖ МТПнинг ижроия органи раҳбари - бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади ва ижроия орган зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

Ижроия орган раҳбари - бошқарув раиси ўз фаолиятини мазкур устав, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, бошқарув қарорлари ва амалдаги қонунчилик асосида амалга оширади.


АЖ МТПнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида корхона оладиган фойда, амалдаги қонунчиликка биноан барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг, унинг ихтиёрида қолади ва амалдаги қонунчилик мувофиқ, акциялар бўйича дивиденд тўлашга йўналтирилиши мумкин.

Йиллик дивидендларни тўлаш, дивиденд миқдори ва тўлаш шакли тўғрисидаги қарор АЖ МТПнинг кузатув кенгаши тавсиясига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Йиллик дивидендлар миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан катта бўлиши мумкин эмас, шу билан бирга, ушбу дивидендлар миқдори тўланган оралик дивидендлар миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Қишлоқ хўжалигида техника воситаларидан фойдаланиш самардорлигини баҳолаш кўп қиррали масаладир.

Қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш самардорлигини баҳолашда тармоқни техника воситалари билан таъминланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида техникани янгилашнинг икки шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан яроқсиз ҳолга келган эски техникаларни танлаб алмаштириш; иккинчиси миқдор жиҳатдан эскисидан фарқ қилмайдиган, ўзининг техник-эксплуатция хусусияти бўйича нисбатан юқори бўлган, янги замонавий техника билан алмаштирилади.



2.1 – чизма. Қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминланганлик даражасини белгиловчи кўрсаткичлар тизими

Фермер хўжаликларида техникани фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таърифлаш учун ҳисоб-ҳисобот ва режа хўжжатлари асосида ҳисоб китоб қиладиган ҳақиқий ва режа – меъёрий кўрсаткичлар қўлланилади. Меъёрномаларни, режа топшириқларни бажариш даражаси ва МТП фойдаланиш даражасини таърифловчи амалий ва режа меъёрий кўрсаткичлар нисбатини ифодаловчи нисбий миқдорлар жуда муҳим ҳисобланади. Кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш, техникадан ҳар томонлама фойдаланишни тадқиқ этиш имкониятларини беради. Шундай қилиб, фермер хўжаликлари билан АЖ МТПлар ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солувчи асосий ҳужжат тузилган шартнома бўлар экан, ана шу шартномани тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун барча ташкилий-иқтисодий шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Фермер хўжаликларида минерал ўғитлар таъминоти ва ўсимликларни ҳимоя қилиш

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожлантиришнинг етакчи омилларидан бири бу қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришдир. Агро-кимёвий интенсив омиллари таркибида минерал ўғитларнинг қўлланилиши ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Минерал ўғитларнинг меъёрида ва технологик жараёнда ўз вақтида қўлланиши ҳосилга ҳосил қўшиш имкониятини оширади.


Республикада "Ўзкимёсаноат" компанияси тизимидаги кимё корхоналарида ишлаб чиқилган минерал ўғитларни жойлардаги "Қишлоқхўжаликкимё" корхоналари филиаллари томонидан фермерларнинг даласига тўлиқ ташиб бориб ва уларни сепиб беришгача бўлган тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 23 январидаги "Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №33 сонли қарори асосида ташкил этади.

Ушбу қарорда ғалла ва пахта майдонларини хокимликлар томонидан тасдиқланган экинларни жойлаштириш режасига асосан, белгиланган меъёр бўйича агротехник муддатларда ўғитлаш учун фермер хўжаликларининг талабномаларига мувофиқ амалдаги меъерий хужжатлар асосида расмийлаштирилган минерал ўғитларни "фермер хўжаликлари қўлига бермасдан" техника воситалари ишини отряд усулида ташкил этиб, бевосита экин майдонларига қадар ташиб бориб, шу куннинг ўзидаёқ сепиб беришни тизимли ташкиллаштириб ва иш якунида тегишли хужжатларни жойида расмийлаштириш асосий устивор йўналиш деб қабул қилинган.

Компания тизимидаги кимё корхоналарида 3 турдаги минерал ўғитлар, жумладан азотли ўғитлар "Навоийазот", "Максам-Чирчиқ" ва "Фарғонаазот"

очиқ акциядорлик жамиятларида, фосфорли угитлар "Аммофос-Максам", "Самарқандкимё" ва "Қўқон СФЗ" очиқ акциядорлик жамиятларида ва калийли ўғитлар эса Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги "Қишлоқхўжаликкимё" жамиятлари томонидан етказиб берилиши йўлга қўйилган.

"Қишлоқхўжаликкимё" жамиятлари таркибида давлат буюртмасидаги экинлар таъминоти бўйича 139 та филиаллар, уларнинг 936 та минерал ўғитлар тарқатиш шахобчалари, давлат буюртмасидан ташқари экинлар ва шахсий томорқа хўжаликлари таъминоти бўйича 13 та махсус базалар ҳамда уларнинг 466 та чакана савдо дўконлари мавжуд.



2.2 – чизма. “Қишлоқхўжаликкимё” худудий акциядорлик жамиятининг туманлараро филиал корхонасининг намунавий тузилмаси

Мазкур тизимда кимё корхоналари "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятларининг туман (туманлараро) филиаллари базаларини ижарага олади ва ушбу ижара базаларида минерал ўғитлар захирасини яратиши белгилаб қўйилади. Унда ходимларнинг чекланган умумий сони - 13-15 киши ва шу жумладан: бошқарув ходимлари – 10, 12 кишини ташкил этади. Ижара база кимё корхонасининг омбори ҳисобланади, кимё корхонаси томонидан ушбу базага муҳр ва бурчак штампи берилади.

Ижара базада амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ база бошлиғи, товаршунос, ҳисобчи - иқтисодчи ва омбор мудирини лавозимлари ташкил этилади. Ушбу лавозимларга кимё корхонаси томонидан малакали мутахассислар ишга қабул қилинади ва улар билан моддий жавобгар шахс тўғрисида шартнома имзоланади. Ижара база кимё корхонасининг омбори ҳисобланади, кимё корхонаси томонидан ушбу базага муҳр ва бурчак штампи берилади. База бошлиғи - умумий назорат, моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Товаршунос - қирим-чиқим бўйича омборчи томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларга имзо қўяди, моддий жавобгар шахс ҳисобланади.

Омборчи минерал ўғитларни чиқим қилгандан сўнг такдим этган ҳужжатларни тўғрилигини таҳлил қилиб, (барча ҳужжатларни солиштириб) миқдор ва суммани кўрсатган ҳолда ҳисобот юритади. У моддий жавобгар шахс ҳисобланади.

Омбор мудирини - темир йўлдан вагонларни қабул қилиш - топшириш, вагон пломбасини текшириш, юкнинг тўлиқлигига амин бўлиш, юкни вагондан тушириб олиш ва омборга киритишни ташкиллаштириш, қирим дафтарига қайд этиш, тах урувчи билан ўғитларни тезкор қолдиғини аниқлайдиган ва КМК 2.0911-97 меъёрларига мос ҳолда жойлаштириш - тахлашни ташкил этади, омбордан минерал ўғитларни (юк хатида кўрсатилган миқдорда) транспорт воситасига юклаб, тарозидан ўтказиб,

чиқим хужжатларини қайд этиш китобига ҳақиқий миқдорини қайд этиб чиқаради.

Тах урувчи - ижара база омборига минерал ўғитларни жойлаштириш, тах уриш ва омбордан чиқариш даврида транспорт воситасига санаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда юклашни ташкил этиш, ишчиларни самарали ва техника хавфсизлигига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилади.

Доимий ва мавсумий ишчилар - тах урувчи топшириғига мувофиқ минерал ўғитларни вагондан тушириб олиш, омборларга жойлаштириш ва омбордан транспорт воситасига юклаб бериш ишларини амалга оширади.

- Туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» корхонаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан тўла хўжалик ҳисобида ўзини ўзи молиявий таъминлаш ва ўзини ўзи қоплаш тамойили асосида ўзини ўзи бошқаради ва фаолият юргизади. У ўз ҳисоб рақами Ўзбекистон Республикаси гербли мухри ва бурчак тамғасига эга.

Туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» корхонасининг мақсади шахобчалар фаолиятини шакллантиришда иштирок этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланаётган барча тоифадаги корхоналар, ташкилотларга минерал ўғитлар, кимёвий маҳсулотларни шартномалар асосида етказиб бериш ва хизмат кўрсатишдан иборат.

Мазкур база омборларига минерал ўғитларни вагонлардан тушириб олиш, ўғитларни омборларга жойлаштириш ва сифатли сақлаш, хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфидан муҳофаза қилиш, умуман олганда минерал ўғитларнинг база ҳудудидаги ҳаракати билан боғлиқ барча жараёнларни ташкил этилишига, ҳаражатларни қоплаш филиал томонидан амалга оширилади.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖ ҳудудий туманлараро филиаллари минерал ўғитларнинг ташиш учун ўз транспортлари, қадоклаш корхоналари ҳамда тўла-тўқис ишлайдиган чакана

савдо магазинлари ҳам шаклланиб бормоқда. Худудий туманлараро филиал корхоналари минерал ўғитларни фермер хўжалиklarининг бевосита экин майдонларига қадар ташиб бориб, шу куннинг ўзидаёқ сепиб бериш ишларини ташкил этади.

Кимё корхонаси минерал ўғитларни «Қишлоқхўжаликкимё» туманлараро филиали омборларига темир йўл вагонларида темир йўл юк хати ва товарни сифат сертификати кўшиб юборилади. Темир йўл станциясида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТИИБ АМБ ходими кузатуви остида олиб келинган вагонлар база худудига киритилади ва филиал ишончномаси билан қабул қилинади. Минерал ўғитларни қабул қилган кун темир йўл юк хатига темир йўл станцияси томонидан штемпель кўйган кун хисобланади ва вилоят ИИБ хузуридаги "Кўриқлаш" бўлимнинг навбатчиси, филиал омбор мудирини билан бирга пломбаларнинг бузилмаганлиги текширилиб, қабул қилиниб олинади, шу жойнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБга қарашли АМБ ходимининг "Йўлномаси"га "Кўриқлаш" бўлимнинг навбатчиси имзо қўяди.

Вагондаги аммиакли селитра минерал ўғитини тушириб олишда тах урувчи (кладовшик) "Кўриқлаш" бўлимнинг навбатчиси кузатувида, ўғитларни қолдикни тезкор аниқлайдиган ҳолатда ва КМК 2.0911-97 меъёрларига мос ҳолда тахлайди ва минерал ўғитларнинг қоп сони бўйича кимё корхонасидан келган миқдорини темир йўл юк хатида кўрсатилган қоп сони миқдорига тўғри келиши тўғрисида омбор мудирига маълумот беради. Шундан кейин юк хатларини, база омбор мудирини ўзининг махсус шнурланган кириш китобига қайд қилади ва сўнг "Кўриқлаш" бўлимнинг катта навбатчи ходими ҳам ўзининг махсус рўйхатдан ўтказилган кириш китобида қайд қилади.

Шу куннинг якуни билан омбор мудирини ўз ҳужжатларини темир йўл юк хати ва товарни сифат сертификатини базанинг моддий товар бойликлар хисобчисига умумлаштирган ҳолда топширади. Омбор мудирини вагонларни

қабул қилиш даврида вагон пломбасини текшириши, юкнинг тўлиқлигига амин бўлиши, юкни вагондан тушириб олиш ва омборга киритишда огоҳ бўлиши шарт. Вагондаги минерал ўғитлар тўлиқ тушириб бўлингандан сўнг, омбор мудирини зудлик билан вагонларни бўшатишга тўғрисида темир йўл станциясига билдирги билан хабар беради. Темир йўл станциясида билдирги хабарномасига мувофиқ (памятка приемосдатчика на подачу вагонов, форма (У-45) вагонни юки билан олганини эслатиб турувчи хужжатни ёпади, бўшатиш вагонлар омбор мудирини кузатуви асосида темир йўл тепловози ёрдамида база ҳудудидан олиб чиқиб кетилади.

Темир йўл хизматлари суммалари темир йўл станцияси томонидан базага такдим этилади, база бухгалтерияси ҳисоб-китобларни умумлаштириб филиал томонидан тўловини амалга ошириш чорасини кўради. Омборчи такдим этган темир йўл станциясидан олган юк хати ва кимё корхонаси томонидан такдим этилган счет – фактура, вагон рақамлари ва минерал ўғитлар миқдори кўрсатилган реестрлар жамланиб база моддий товар бойликлар ҳисобчисига топширилади ва хар ой якуни билан кимё корхонасига база мудирини имзоси ва базанинг муҳри билан ҳисобот такдим этади.

Туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» филиаллари томонидан минерал ўғитларни фермер хўжаликларига уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблағларини олдиндан тўлови асосида белгиланган агротехник муддатларида етказиб беради. Туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» филиаллари томонидан такдим қилинган талабнома асосида тижорат банклари белгиланган агротехник муддатлар бошланишидан бир ой олдин Молия вазирлиги ҳузуридаги "Жамғарма"дан имтиёзли кредитларнинг ажратилиши бўйича тегишли чораларни кўради. "Жамғарма" томонидан фермер хўжаликларига минерал ўғитлар учун олдиндан 100% лик тўловларнинг амалга оширишга етарли миқдорда маблағ ажратилмаган тақдирда, банк ўз маблағи ҳисобидан кредит маблағлари

ажратиб, талаб қилинган 100% олдиндан тўловнинг амалга оширилишни таъминлайди. "Жамғарма" томонидан ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобидан давлат буюртмасидан ташқари эҳтиёжлар учун олинадиган минерал ўғитларга тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

Туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» филиалари ҳисоб рақамига келиб тушган маблағларни кимё корхоналарига йўналтирадилар. Бунда туманлараро филиаллари қўлланилаётган давлат антимонополия қўмитаси томонидан тасдиқланган устама 22 фоиз даражасидаги маблағларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш мақсадида олиб қолади. Мақсадли маблағлар ҳаракати Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан тасдиқланган йўриқнома ва тартиб асосида амалга оширилади.

Минерал ўғитларни фермер хўжалиги экин майдонига қадар куйидаги тартибда ташиб борилади ва сепиб берилади. Фермер хўжалигига СИУ (сув истеъмолчилари уюшмаси) томонидан берилган буюртманомага мувофиқ туман хокимликлари томонидан тасдиқланган графиклар асосида бир йўналишда жойлашган фермер хўжаликларига етказиб бериладиган минерал ўғитлар транспорт воситасига юкланади ва торозидан ўтказилади. Минерал ўғит база омборидан ИИБ ходими кузатувида минерал ўғит юкланган транспорт воситаси шахобча мудирини бошчилигида етказиб берилади.

Минерал ўғит юкланган транспорт воситалари талабномада кўрсатилган фермер хўжаликларнинг дала майдонларига борганда, далада кутиб турган фермер хўжалиги раҳбари ишончномани шохобча мудиринга беради. Сўнг беш юз бошчи (Минг бошчи), МФЙ вакили, маҳалла поспони ва ИИБ ходими иштирокида ушбу фермерга ажратилган минерал ўғитларни транспорт воситасидан туширилади ва фермер хўжалигига минерал ўғитларни етказиб бериш билан боғлиқ 3 нусхада тайёрланган ҳужжатларни, жумладан юк хати, ҳисоб-фактура ва солиштирма далолатнома фермер хўжалиги раҳбари билан бирга шохобча мудирини имзолайди. Ҳужжатларнинг бир нусхаси фермер хўжалигига берилади. Маълумотларни шохобча мудирини ўзининг ёнидаги

филиал томонидан берилган махсус китобига қайд қилади, сўнг отряд бошлиғи олдиндан белгиланган маршрут бўйича навбатдаги фермер хўжалигига минерал ўғит етказиб бериш учун минерал ўғит юкланган транспорт воситасида туман ИИБ ходими кузатувида жўнаб кетади. Фермер хўжалигининг дала майдонларига етказиб берилган минерал ўғитлар беш юз бошчи (Минг бошчи), фермер хўжалиги раҳбари, МФЙ ходимлари ва маҳалла поспони кузатуви остида туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» корхонасига қарашли НРУ-0.5 ва бошқа агрегатлар билан сепилади.

Экин майдонларига ўғит тўлиқ сепиб бўлинганидан сўнг минерал ўғитларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси ўрнатилган тартибда 4та нусхада тузилади. Унга МФЙ вакили, маҳалла поспони, фермер хўжалиги раҳбари имзо ва муҳр қўяди. Ҳақиқатда ўғитларни мақсадли ишлатилганлиги тасдиқловчи далолатномани иккинчи нусхасини фермер хўжалиги раҳбари олиб қолади ва йўналиш Маршрут бўйича орқага кайтиб келинаётганда далолатноманинг 1 - нусхасини фермер томонидан шохобча мудирига такдим этилади, қолган бир нусхасини ИИБ вакилига, ИИБ вакили эса шу куннинг ўзида уни туман ИИБ га такдим этади.

Республика худудларида хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи биолобораториялар ташкил этилган. Биолобораторияларнинг асосий вазифаси белгиланган худудларда қишлоқ хўжалик экинларини фитосанитария ҳолатини, барча ердан фойдаланувчиларни зараркунандалар, турли касалликлар ва бегона ўтларга қарши кураш чораларини ўтказишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

2.3. Фермер хўжаликларини молиявий таъминотида минибанкларнинг ўрни

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий ва

молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳани молиялаштириш ва кредитлаш тизимини янада бозор муносабатларига мослаштириш бўйича республика ҳукумати томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи молия-кредит тизими яратилмоқда. Ислоҳотлар натижасида молия-кредит тизимига бир қанча ўзгартиришлар киритилди.

Фермер ва деҳқон хўжалиklarини ривожланиши билан боғлиқ ҳолда жойларда минибанклар ҳам ташкил этилди. Мини банкларнинг асосий фаолияти фермерларни ва бошқа қишлоқ ҳусусий тадбиркорларини самарали молиялаштириш тизимини жорий этишга қаратилгандир. Шунинг билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига кредит ажратишда банклар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ва уни кучайтириш масаласи муаммо бўлиб турибди.

Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасида муҳим ўринга эга бўлган минибанклар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунлари, амалдаги бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ. 56-сонли Қарори, 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1084-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 89-сонли қарори, Агробанк Устави, Марказий банк ва Агробанкнинг меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Минибанклар Агробанк очик акциядорлик тижорат банкининг шохобчаси бўлиб “Минибанк” деб юритилади. Минибанк ўз фаолиятини банк ҳамда ўзи бўйсунувчи орган берган ваколатлар доирасида, банкка берилган лицензиялар асосида амалга оширади. Минибанк – банк филиали биносидан ташқарида, лекин ўзи жойлашган вилоят, шаҳар, туман ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмасидир. Унинг юридик номи : “Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг филиали (бўлими) таркибидаги банк шохобчаси (минибанки) ҳисобланади. Минибанк хизматидан фойдаланишга ўтиш тўғрисидаги қарорни юридик ва жисмоний шахслар мустақил равишда қабул қиладилар.

Минибанкда ҳисобрақами очиш истагини билдирган ёки кредит сўраб мурожаат қилган мижозларнинг аризалари минибанк орқали ёхуд тўғридан-тўғри банк филиалига тақдим этилиши мумкин. Юқоридаги мурожаатлар белгиланган тартибда фақат минибанк бўйсунувчи банк филиали томонидан ҳал этилади. Минибанк юридик шахс ҳисобланмайди. Унинг мажбуриятлари юзасидан банк (филиал) жавоб беради. Минибанкнинг хўжалик фаолияти ўзи бўйсунувчи филиал томонидан амалга оширилади.

Минибанк ўз номи туширилган думалоқ муҳр, тўртбурчак тамға, бухгалтерия ва касса операцияларини амалга оширишда зарур бўлган штамплар ҳамда пломбираторларга, шунингдек Минибанк ўз номига эга. Минибанк фаолиятини таъминлаш учун банк (филиал) унга зарур бўлган маблағлар ва бошқа мулкни хўжалик юритиш ҳуқуқисиз бириктириб қўяди. Минибанк ўзига ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда, банк (филиал) томонидан берилган ваколатлар доирасида тасарруф этади. Минибанкнинг моддий-техника базаси ўзи бўйсунувчи филиал томонидан ташкил қилинади ва уларнинг ҳисоби баланснинг тегишли субҳисобварақларида юритилади.

Минибанк маблағларини сақлаш ва унинг томонидан операциялар бажарилиши учун ўзи бўйсунувчи филиалда ҳисобварақлар ҳамда субҳисобварақлар очилади. Акциядорлар, мижозлар ва омонатчиларнинг Минибанкдаги пул маблағлари ҳамда бошқа мулки, жумладан омонатлари амалдаги қонунчилик ва унда кўзда тутилган тартиб асосида хатланиши ҳамда олиб қўйилиши мумкин. Минибанк ходимлари минибанкнинг ўзи, ўзи бўйсунувчи филиал, банк, мижозлари, омонатчиларига қарашли ҳисобварақлар ва улар бўйича операциялар, банклардаги мулкларни тўғрисидаги маълумотларни сир сақлашлари шарт. Барча маълумот ва ахборотлар амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Минибанкнинг ресурслари қуйидагилар ҳисобидан ташкил топади:

- а) Минибанк фойдаси;
- б) Мижозларнинг маблағлари жалб этилган депозитлар ва сафарбар этилган ресурслар ҳисобидан;
- в) Банк (филиал) томонидан ажратилган ресурслар;
- г) Ҳукуматнинг қарорига биноан Марказий банк ва унинг муассасалари, Молия вазирлиги ҳамда унинг таркибида ташкил этилган жамғармалар, бюджетдан ташқари жамғармалар, молия институтлари томонидан бериладиган кредит ресурсларидан.

Минибанк ўзи бўйсунувчи филиалнинг ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этишидан келиб чиққан ҳолда банк Бошқаруви томонидан минибанк бўйсунувчи филиалга белгиланган кредит лимитлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ равишда ўзи бўйсунувчи филиалнинг рухсати асосида кредит беради. Минибанк омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) Минибанк фуқаролардан қабул қилган омонатларни шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида фоизлари билан биргаликда қайтарилишини кафолатлайди;

б) Минибанк ўз фаолиятига оид ҳисобот ва бошқа ахборотларни ўзи бўйсунувчи филиалга белгиланган вақтда тақдим этади.

Минибанк банк Низомида кўзда тутилган қуйидаги операцияларни амалга оширади:

а) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисоб варақларини очиш ҳамда юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

б) омонатларни жалб этиш;

в) кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўзи бўйсунувчи филиалнинг рухсати асосида ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан филиал номидан кредитлар бериш;

г) пул маблағлари, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

д) банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;

е) миждозларга касса ва ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш;

ё) бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган тадбирларни молиялаш бўйича операцияларни белгиланган тартибда бажариш;

ж) минибанк ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган, қонунчиликка зид келмайдиган бошқа операцияларни банк (филиал)нинг рухсати ёки фармойишига асосан амалга оширади.

Фоиз ставкалари ва банк операцияларини бажарганлик учун воситачилик ҳақи миқдорини Минибанк ўзи бўйсунувчи филиал номидан миждоз билан тузилган шартномалар асосида ҳамда банкнинг сиёсатларига қатъий риоя қилган ҳолда банк Бошқаруви органлари томонидан белгиланган тартиблар ва тасдиқланган хизмат ҳақлари тарифига мувофиқ ўзи бўйсунувчи филиал билан келишилган ҳолда белгилайди. Минибанк банк операцияларини амалга оширишда ўз ваколати доирасида мустақил қарорлар қабул қилади ва қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) қарз олувчилар билан келишилган ҳолда бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини банк фойдалилигини таъминлаган ҳолда ўз ваколати доирасида ўзи бўйсунувчи филиал билан келишилган ҳолда белгилаш;

б) мижозлар билан тузилган шартнома асосида ўтказилаётган операцияларнинг фоиз ставкаларини ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдорини тизимдаги мавжуд меъёрий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳолда юритиш;

в) кредит шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бузилганда бундан кейин кредит беришни тўхтатиш, берилган кредит суммаларини муддатидан аввал ундириб олиш;

г) Банк номидан минибанк фаолияти билан боғлиқ бўлган шартномаларни ўзи бўйсунувчи филиал томонидан тузилишида қатнашиш.

Минибанк томонидан олинган йиллик фойда ўзи бўйсунувчи филиал фойдасига қўшилади ва банк Кенгаши (акциядорлар Умумий йиғилиши)нинг қарорига мувофиқ белгиланган тартибда тақсимланади. Минибанкнинг даромад ва харажатлари ҳисобини юритиш мақсадида ҳар бир даромад ҳамда харажат тури бўйича ўзи бўйсунувчи филиалда субҳисобварақлар очилади. Минибанк ўз молиявий хўжалик фаолиятини ўрнатилган тартибда ўзи бўйсунувчи филиал томонидан тасдиқланган молия йили Бизнес режаси ва Бюджетида белгиланган прогноз параметрлари асосида юритади. Минибанк Бизнес режаси ва Бюджетига қўшимча ўзгартиришлар ўзи бўйсунувчи филиалнинг фармойиши (буйруғи) асосида киритилади. Минибанк Бюджетида белгиланган харажатлардан ташқари бошқа тўловлар ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади. Минибанк фойдаси ўз фаолиятининг ҳамма турларидан олинган даромадлардан барча операцион харажатлар, хусусан меҳнатга ҳақ тўлаш (мукофотлашни ҳисобга олганда), моддий ва бошқа харажатлар ўтказилгандан сўнг ташкил топади.

Минибанк фаолиятига минибанк мудирлари бевосита раҳбарлик қилади, у минибанкнинг банк операцияларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ўрнатилган тартибда бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади. Минибанк мудирлари ўз фаолиятини ўзи бўйсунувчи филиал томонидан ўрнатилган тартибда (буйруқ асосида) берилган ваколатлар асосида юритади. Минибанк мудирлари ўзи бўйсунувчи филиал билан келишилган ҳолда вилоят бошқармаси бошлиғининг буйруғи асосида тайинланади.

Минибанк фаолиятининг тугатилиши банкнинг тегишли филиали ва вилоят бошқармасининг таклифлари ҳамда ҳулосаларига мувофиқ банк бошқарувининг қарори билан амалга оширилади. Минибанкни тугатиш ишларини банкнинг тегишли вилоят бошқармаси томонидан тайинланган махсус комиссия бажаради.

Банк ва фермер хўжалиги ўртасида кредит шартномаси имзоланиб, у амалга киритилганидан кейин, банк фермер хўжалиги учун алоҳида ссуда ҳисобварағини очади ва ундан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида фақат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш йўли билан берилади. Бунда, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдорини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун тасдиқланган агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тавсия этилади. (ЎзР АВ 30.04.2005 й. 1337-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МББ Қарори таҳриридаги хат боши). Берилган кредитлар 14301 - "Хусусий корхоналарга, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ўрта муддатли ссудалар" баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Алоҳида ссуда ҳисобварақлари бўйича берилган кредитлар бўйича муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар кредит бўлими ходимининг фармойишига кўра кредит тўла қайтарилгунига қадар 91903 - "Қарз олувчиларнинг ўрта

муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари" номли, кўзда тутилмаган шароитлар ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади, уларни ундириш ойда бир марта, кредит шартномасида келишилган санада амалга оширилади. Олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг қолдиғи ва асосий қарз тўлови қарз олувчининг махсус 23210, 23220-сонли ҳисобварақларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда ҳисобланган фоизлар кредит бўйича қарздан олдин ундириб олинади. Фермер хўжаликлари кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эгалар.

Қарздорнинг 23210, 23220-сонли махсус ҳисобварағидаги маблағлар олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлмаган тақдирда, фоизлар ва кредит қолдиғини ундириш қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида мавжуд маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган навбат тартибида амалга оширилади. Бунда ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғи муддати ўтган ссудалар ҳисобварағи орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади

Қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида ҳисобланган фоизлар ва кредит қолдиғини ундириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, банк қарздорнинг муддатли мажбуриятномаси асосида унинг барча иккиламчи депозит ҳисобварақлари очилган банкларга ушбу ҳисобварақларда мавжуд пул маблағларини асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиб беришни сўраб ёзма талаб йўллайди. Қарздорнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилган банклар кредитор банкнинг ушбу талабини Фуқаролик кодексининг 784-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, мемориал ордер билан иккиламчи

талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи эгасининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт. Бунда қарздорнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига келиб тушган маблағлар ҳисобидан фоизлар ва кредит қолдиғи "Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан ўчириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномада (1999 йил 30 январь, рўйхат рақами 615-сон) белгиланган календарь навбати тартибида ундирилади. Бунда фоизлар кредитдан олдин қайтарилади.

Агар қарздор томонидан етиштирилган ҳосилни сотишдан тушган маблағлар ва унинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағларидаги маблағлари банк кредитини ва ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларни амалга оширишга етарли бўлмаган тақдирда, банк бўлғуси ҳосилни суғуртаси тўловидан олинган маблағларни кредитни ва ҳисобланган фоизлар тўловини амалга оширишга йўналтиради.

Тижорат кредит учун фоизларни тўлаш етиштирилган ҳосилни сотишдан пул маблағлари тушишига қараб, бироқ кредит берилган кундан бошлаб камида 6 ойдан кейин амалга оширилиши мумкин. Тижорат кредитни қайтариш муддати бошланганда ва қарз олувчида пул маблағлари мавжуд бўлмаганда кредит кафолат берувчи (суғурталовчи)нинг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамидан ундириб олишга тақдим этилади. Суғурта ҳолати бошланганда "Ўзагросуғурта" компаниясининг ҳудудий бўлимлари ва бошқа суғурта ташкилотлари тижорат банки талабига кўра суғурта суммасини мазкур кредит бўйича фоизларни ва асосий қарзни тўлашга ўтказишга мажбур.

Берилган тижорат кредитлардан мақсадли фойдаланмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда банк кредитнинг белгиланмаган мақсадда фойдаланилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамидан муддатидан олдин, кредит шартномасида белгиланган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эгадир.

2.4. Фермер хўжаликларида бозор хизматларини ташкил этиш

Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган ислохатлар ва эркинлаштириш жараёнлари соҳа иқтисодиётини юксалтиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, фермер ва қишлоқ тадбиркорларининг мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этган ҳолда иқтисодий-молиявий қудратини мустахкамлашга олиб келмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, бир қатор фермер хўжаликлари юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги билан аксарият ҳолатларда уларнинг молиявий ахволи пастлигича қолмоқда. Бундай хўжаликлар фаолиятининг таҳлил натижаларига кўра, уларнинг бундай вазиятга тушиб қолишга бошқа омиллар билан бир қаторда хўжалик раҳбарларнинг билими, касбий маҳорати, тажрибаси талаб даражасида эмаслиги ҳамда хўжалик фаолиятини бошқариш учун зарур маълумот қва ахборотлар билан таъминлаш масаласи яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳисобланади. Бу ўз навбатида хўжаликларда мавжуд ер ва сув, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан ва бошқа мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмасликка олиб келмоқда.

Фақатгина доимо ўз билим, малакасини доимо ошириб бораётган ва юқори даражадаги касбий маҳоратга эга бўлган раҳбар ёки мутахассисгина хўжалик фаолиятига оид оқилона ва тўғри қарорлар қабул қилишни, хўжалик ишлаб чиқариш йўналиши ва ривожланиш стратегиясини тўғри белгилашга, ишлаб чиқаришга инновацион ғоялар жорий этган ҳолда ер, сув, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиши мумкин.

Бу ҳол бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритиш субъекти каби, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳам ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши учун маълум бир ахборот ва маълумотларга, хизмат кўрсатиш тизимига эҳтиёж сезади. Энг керакли ахборотларга ўз вақтида ва мунтазам эга бўлган фермер ва деҳқон хўжалиги эса кучли рақобат шароитида

яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда барқарор фаолият кўрсата олиши мумкин.

Бугунги кунда республикаимиз аграр соҳасида ахборот консалтинг марказларини ривожлантириш қуйидаги муаммоларни ҳал этишга имкон беради, яъни:

- Аграр соҳа тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликларига фан-техника янгиликлари, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бўйича илғор тажриба ва илмий амалий тавсиялардан фойдаланиш ва амалиётга жорий этишга шароит яратиш;
- Ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий-молиявий, ташкилий-агротехнологик ҳужжатлар, стандарт ва тартиб-қоидалар борасидаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларни даврий ва узлуксиз янгилаб бориш ҳамда улардан аграр тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишига имкон яратиш;
- Аграр тадбиркорлик субъектлари ва биринчи навбатда фермер хўжаликларига сифатли, арзон ва ишончли ресурслар манбаини излаб топишга ва улардан фойдаланиш, харид қилиш тартиб-қоида ва йўлларини ўзлаштиришга;
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар асосида илғор ғоя ва агротехнологияларини жорий этишга ва инфратузилма хизматларидан фойдаланиш йўналишлари, тартиб ва шарт-шароитларини билишга;
- Хўжалик тармоқларини диверсификациялаш йўналишларини ўрганиш, инновацион жозибadorлигини ошириш ва инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга.

Қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг марказлари хизматларига бўлган талаб ҳажмини аниқлаш зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- Ҳудудда тадбиркорлик субъектларига ахборот-консалтинг хизмати кўрсатишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бу соҳани янада ривожлантириш йўналишларини аниқлаш;

- Қишлоқ ҳудудларида ахборот-консалтинг хизматларига бўлган талаб истиқболлини башоратлаш ва ривожланиш стратегиясини белгилаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаш;
- Хизматлардан фойдаланувчилар талаб ҳажмини билиш, баҳолаш ва қишлоқ ҳудудларида хизмат бозорини ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш;
- Хизмат кўрсатувчи корхоналарда хизмат йўналишини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини такомиллаштириш.

Қишлоқ ҳудудларида ахборот-консалтинг марказларининг бир маромда фаолият юритаолмаётганликларига айнан шу ҳолат сабаб бўлса, иккинчидан, марказлар кўрсатиши мумкин бўлган хизмат турлари, йўналиши, кўлами ва ҳажмининг ҳудуддаги фермер ва қишлоқ тадбиркорлари талабига мос келмаётганлиги ҳисобланади. Учинчидан эса, хизматлар учун ўрнатилган баҳонинг тўлиқ асосланмаганлиги ҳисобланади. Шу боисдан, бугунги кунда ахборот консалтинг марказлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда энг долзарб масалалардан бири, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ахборот-консалтинг хизматларига бўлган талабни аниқлаш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизматларига бўлган талабни аниқлашда дастлабки вазифа, бу марказ жойлашган ҳудуддаги фермер ва бошқа тадбиркорлик субъектлари бўйича уларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс имкониятини қиёсловчи статистик маълумотлар банкини шакллантириш: йиғиш-жамлаш ва уларни гуруҳлаш, тоифаларга бўлиш, таҳлиллар асосида хизматлар кўлами, ҳажми ва миқёсини аниқлаш ҳамда прогнозлаш ҳисобланади.

2.1 - жадвал. Қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизматларига бўлган талабни аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва маълумотлар тизими


| Кўрсаткич ва маълумотлар мазмуни | |
|---|--|
| 1 | Хизмат кўрсатиладиган худуддаги хўжаликлар етиштирилаётган экин турлари бўйича ер майдони |
| 2 | Хўжаликлар томонидан етиштириладиган ва сотиладиган маҳсулот миқдори (сифат кўрсаткичлари билан) |
| 3 | Худуднинг иқтисодий-молиявий ҳолати |
| 4 | Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базаси, қишлоқ хўжалиги техникаси паркиннинг таркиби, тузилиши, улардан фойдаланиш даражаси |
| 5 | Хўжаликларнинг хизматлардан фойдаланиш даражаси ва хизматларга бўлган эҳтиёжи |
| 6 | Хўжаликнинг ишлаб чиқиш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) ва маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома контрактациялар бўйича қабул қилувчи, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий муносабатини қиёсловчи маълумотлар |
| 7 | Хўжаликларда бажариладиган жами ишлар ҳажми ва уни хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан қанча қисми қондирилиши, яъни талаб ва таклиф баланси |
| 8 | Хўжаликларда ресурслардан – моддий, меҳнат, капитал, инсон омили, маълумотлардан фойдаланиш ҳажми, тартиби ва миқдори |
| 9 | Хўжаликларнинг кадрлар билан таъминланганлик даражаси |
| 10 | Хўжаликларда банд бўлганлар сони, уларнинг тармоқлар бўйича бандлиги |
| 11 | Хўжаликларда интернет тармоғининг мавжудлиги, ундан фойдаланиш даражаси ва даврийлиги |
| 12 | Қишлоқ хўжалиги тармоғининг маълумотларга бўлган талаби коэффиценти (“маълумот сиғими”, бу айниқса хизмат кўрсатиш ва маълумотларга бўлган талабни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга) |
| 13 | Хўжаликда бир мутахассиснинг бир ой давомида маълумотларга бўлган талаби ва унинг қондирилиши |

Қишлоқ худудларида фермер ва қишлоқ тадбиркорларининг ахборот-консалтинг хизматларига бўлган талабини аниқлашнинг оддий, кам меҳнат талаб этиладиган қуйидаги усуллар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ:

1 усул. Ахборот-консалтинг марказлари хизматларга бўлган талабни фермер ва деҳқон хўжаликлари шунингдек, бошқа тадбиркорлик субъектлари ўртасида махсус сўровнома (анкета), учрашув, кўргазма, намойиш, танлов ва кўриклар ўтказиш орқали хизматлар тури, йўналиши ва кўламини ўрганиш.

2 усул. Ахборот-консалтинг маркази ходимлари томонидан келгуси йил учун худудда фаолият юритаётган фермер ва қишлоқ тадбиркорларидан буюртманомалар йиғиш усули орқали аниқлаш.

3 усул. Ҳисобот йилида ҳудудда ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар ҳар бир турининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ёки ҳар бир хизмат тури бўйича ўтган йили режасининг бажарилишини ўрганиш натижасида талабни аниқлаш. Қишлоқ ҳудудларида ахборот-консалтинг хизматида бўлган талабни аниқлашнинг чуқурлаштирилган, мукамал олти босқичли тадбирларни амалга ошириш усулини тавсия этиш мумкин. (1-расм)



2.3 - чизма. Қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг хизматида бўлган талабни аниқлаш босқичлари

Бугунги кунда хуудларда фаолият кўрсатаётган ахборот консалтининг марказларининг асосий қисми 3та катта йўналишда фаолият кўрсатишмоқда:

Биринчи йўналиш. Турли хил йўналишларда фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа аграр тадбиркорлик субъектларига маслахатлар бериш билан шуғулланаётган марказлар.

Иккинчи йўналиш. Молиявий, бухгалтерия ва ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаб бериш ҳамда улар талабномалари асосида хизмат кўрсатиш ва маҳсулотлар топшириш шартномалари бўйича тўловлар ва тушумларни ундиришга амалий ёрдам кўрсатиш йўналишларида фаолият юритаётган марказлар.

Учинчи йўналиш. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни ва бошқа истеъмолчиларни турли хилдаги маълумотлар ва ахборотлар билан таъминлаш.

Худудий шароитдан келиб чиққан ҳолда ахборот-маслахат хизматларига бўлган талабни аниқлаш вазифасини уч усул билан аниқлаш тавсия этилади:


- **биринчи усул,** бевосита ахборот ахборот-маслахат хизмати бозорини таҳлил қилиш;
- **иккинчи усул,** мақсадли гуруҳлар: фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ тадбиркорлари ва бошқаларни маҳсус анкета сўровномалари асосида сўровлар ўтказиш йўли билан ахборот-маслахат хизмати бозоридаги хизматлар ҳажми ва таркибини ўрганиш;
- **учинчи усул,** ахборот-маслахат хизматларига оид иккинчи маълумотларни ва мутахассис-экспертлар фикр, хулосаси ва баҳосига асосланган ҳолда баҳо бериш.

Қишлоқ хўжалигида ахборот-консалтинг марказлари (кейинги уринларда Марказ деб юритилади) турли мулк шаклига асосланган маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган. Таъсисчилари қуйидагилар бўлиши мумкин: фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари,

таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, хусусий тадбиркорлар ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар. Марказлар ўз-ўзини молиялаштириш (хўжалик ҳисоби) тамойиллари асосида фаолият юритувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади. Уларнинг молиявий маблағлари фермер ва деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ тадбиркорларига кўрсатилган хизмат ва турли молиявий ёрдамлар, грантлар ҳамда хомийлар ҳисобига шаклланмоқда.

Марказларнинг юкори бошқарув органи - таъсисчилар умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилишлар орасидаги даврда Марказда раҳбарликни сайланган Марказ бошлиғи олиб боради. У марказнинг иқтисодий, молиявий, статистик ва бошқа фаолиятларига раҳбарлик қилади ва умумий йиғилиш олдида ҳисобот беради. Ахборот-консалтинг маркази ташкилий-бошқарув тузилмасининг умумий кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин.

Ахборот-консалтинг марказлари қайси ҳудудий даражада (республика,



—> Ташкилий

- - -> Йўналишлар бўйича бюртмага мувофиқ маслаҳат ва

.....> Бюртмани

2.4 -чизма. Ахборот консалтинг хизматининг таркибий тузилиши

вилоят, туман) ва мулкӣ-ташкилий тузилмаси хусусиятларига қараб турли функция ва хизматларни кўрсатмоқдалар.

Ахборот-консалтинг марказларининг фаолият функцияси ва хизматлар йўналиши қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ўқитиш, қайта ўқитиш, касбий маҳорати ва малакасини ошириш;
- маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- инновация ва илғор тажриба, иш улуби, технология ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш борасида маслаҳатлар бериш, уни амалга ошириш-узлаштириш учун шарт-шароитлар яратишга ёрдам бериш, хизмат кўрсатиш;
- реклама, ташвиқот ва тарғибот ишларини (ваколати ва конун доирасида) олиб бориш борасида хизмат кўрсатиш;
- хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлаш, уларга истиқболли лойиҳалар ва инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш;
- -хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасида учрашув ва музокараларни ташкил этиш ва бошқалар.

Фермер хўжаликлар билан ахборот-консалтинг марказлари ўртасида тузилаётган шартномаларда қуйидагилар бўлиши шарт: шартноманинг тузилган санаси ва жойи; шартноманинг мавзуси(предмети), бажариладиган ишлар номи, ҳажми, сифати, нархи; томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; хизматларни бажариш тартиби ва шартлари, муддатлари; хизматларини бажаришга қўйиладиган талаблар; ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шакли ва муддатлари.

Юқорида келтирилган имтиёз ва чегирмалар шартномаларда акс эттирилиши, уларни бажариш кафолатланиши ахборот-консалтинг корхонасига бўлган ишончни, унинг хизматларидан фойдаланишга бўлган рағбатни кучайтиради ва пировард натижасида эса хизматлар ҳажмини ошириш ҳамда даромадни кўпайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш босқичлари ва йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин ва улар учун хос бўлган қуйидаги хусусиятлар аниқланди.

I – босқич 1995 – 2001 йилларни қамраб олган бўлиб, қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиш даври ҳисобланади. Ушбу йилларда инфратузилма хизматларига эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши билан характерланади. Бу босқичда паст рентабелли зарар билан ишлайдиган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари вужудга келди ва фермер хўжаликлари таъсисчилари ҳисобланган муқобил МТП, СФУ¹лар ташкил этила бошлади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, бу даврда инфратузилма объектларини шакллантириш учун етарли даражада ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар етарли эмас, ҳамда уларни ривожлантириш механизмлари шаклланмаган эди.

II – босқич (2002 – 2006 йиллар)да – қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожлантиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг давлат дастурлари асосида шакллантирилиши кузатилди. Истиқболли хўжалик юритувчи шакл ҳисобланган фермер хўжаликларининг ривожини бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларига

¹ МТП – машина трактор парклари, СФУ-сувдан фойдаланувчилар уюшмаси

боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ фермер хўжалиklarининг барқарор ривожланишини таъминлашда асосий йўналишлардан бири сифатида қишлоқда фермер хўжалиklarининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш белгиланди.

III–босқич 2007–2012 йилларни ўз ичига олиб, у Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури асосида амалға оширилиб, хизмат турларини кенгайтириш уларнинг сифатини яхшилаш ва истиқболли фермер хўжалиklarининг рақобатбардошлигини оширишға кўмаклашадиган хизмат турларини жадал ривожлантиришға қаратилганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255 – сонли ва 2006 йил 514 сонли қарорлари асосида мамлакатимизда фермерчилик ҳаракатини жадал ривожлантириш учун шарт – шароитларни таъминлаш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашға ҳар томонлама эътибор берилди.

IV–босқич 2012 ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу давр эса мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан яхшилаш даври бўлиб ҳисобланади. Унда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” қарори қабул

қилинди. Ушбу қарор асосида 2012-2016 йилларда “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури” қабул қилинди. 2012-2016 йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унинг асосий турларини янгилашнинг прогноз параметрлари аниқланди. 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш бўйича технологик асбоб-ускуналарнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Ушбу қарорда белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июлдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва унинг чора-тадбирлар белгиланди. Унга мувофиқ қишлоқ хўжалигида 4та йўналишда амалий ишлар белгиланган: 1) қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни янгилаш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини янги, замонавий юқори унумли ва ресурсларни тежовчи техника билан таъминлаш; 2) қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ хўжалиги техникасининг янги турларини ишлаб чиқишга тайёрлаш; 3) қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва уларга сервис хизмати кўрсатишни молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш; 4) фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича амалий ишлар белгиланган ҳамда улар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

“2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли ҳукумат қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш Дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурнинг ижросини таъминлаш учун чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Белгиланган мақсадли параметрларига мувофиқ 2013-2016 йиллар мобайнида ушбу тармоқнинг сервис хизмат кўрсатишни 1,8 мартага, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматларни 1,2 мартага, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, таълим бериш хизматларини 1,6 мартага, қурилиш хизматларини 1,7 мартага, алоқа ва ахборотлаштириш, молиявий, соғлиқни сақлаш хизматларини 1,8 мартага, транспорт, технологик ускуналарини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш, маиший хизматларни 1,9 мартага, компьютер дастурлаш, туристик, савдо ва оммавий овқатланиш хизматларни 2,0 мартага ошириш режалаштирилган. Кўриниб турибдики, қишлоқда техникани таъмирлаш, замонавий технологияларни қўллаш, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш ва шу каби соҳаларга катта эътибор берилмоқда.

Бу даврда қишлоқда инфратузилма объектлари томонидан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш аҳволи ва натижадорлиги юзасидан ўрнатилган мониторинг натижаларига кўра 2013 йилда 1641 та муқобил МТПлар 19607 та, 1504 та сув истеъмолчилари уюшмаси 51909 та, 1357 та ЁММ сотиш шохобчалари 44302 та, 915 та минерал ўғит сотиш шохобчалари 45006 та, 1293 та минибанклар 32075 та, 341 та консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатиш тармоқлари 3280 та, 346 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш шохобчалари 13724 та, 115 та транспорт шохобчалари 4298 та, 143 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоклаш шохобчалари 1550 та, 2591 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари 5765 та, фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузган.

**3.1. жадвал. 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат соҳасини
жадал ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари (хизмат турлари
кесимида)**

| т/р | Хизматлар тури | Хизматларнинг ўсиш суръати прогнози (олдинги йилга нисбатан) | | | | 2018 йил 2014 йилга нисбатан |
|-------------|---|--|--------------|--------------|--------------|------------------------------|
| | | 2014 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | |
| 1. | Молиявий хизматлар (банк, суғурта, лизинг хизматлари ва бошқалар) | 114,9 | 115,4 | 115,8 | 116,2 | 1,5 марта |
| 2. | Транспорт хизматлари (шу жумладан логистик хизматлари) | 116,6 | 117,0 | 117,2 | 117,6 | 1,5 марта |
| 3. | Технологик ускуналарни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш | 116,7 | 117,0 | 117,5 | 117,9 | 1,5 марта |
| 4. | Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | 110,7 | 111,3 | 112,2 | 112,7 | 1,3 марта |
| 5. | Қишлоқ хўжалиги соҳадаги хизматлар | 103,9 | 104,0 | 104,5 | 105,0 | 1,2 марта |
| 6. | Бошқа хизматлар | 110,9 | 111,2 | 112,3 | 113,0 | 1,3 марта |
| Жами | | 114,7 | 115,1 | 115,7 | 116,1 | 1,5 марта |

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқда хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиш суръати кейинги беш йилда жами 161,6 фоизга кўпаяди. Бу албатта юқори кўрсаткич, ва уни изчиллик билан таъминлаш учун салмоқли миқдордаги маблағ талаб қилинади. Шу боис мазкур йўналишларда ишларни амалга ошириш учун республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари кредитларидан фойдаланилади.

Шунингдек, юқорида номи келтирилган Дастурда қишлоқ жойларда яқин истиқболда хизмат кўрсатиш ва бозор ифратузилмаларини барпо этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 2018 йилгача 243та алоқа ва ахборотлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш, 419та молиявий хизмат кўрсатиш, 42та туристик хизмат кўрсатиш, 5,5 мингга яқин савдо ва оммавий овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиш, 10,6 мингта маиший хизмат

кўрсатиш объектлари, 384та қишлоқ хўжалиги хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилди. Бевосита фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга келсак, қишлоқ жойларда ушбу даврда қўшимча равишда 111та мини-банк, 70 та зооветеринария хизмати, 157 та минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари

3.2- жадвал. 2018 йилда қишлоқ жойларда янги барпо этилган объектлар²

| т/р | Объект номи | жами | 2018 йил | Фоиз да | Молия-лаштириш хажми, (млрд.сўм) | 1 та объектга тўғри келган маблағ (млн.сўм) |
|-----|---|------|----------|---------|----------------------------------|---|
| 1. | Лизинг компания | 49 | 8 | 16,3 | 1,3 | 26,5 |
| 2. | Мини-банк | 111 | 25 | 22,5 | 1,5 | 13,5 |
| 3. | Махсус омонат кассаси | 259 | 73 | 28,2 | 2,5 | 9,7 |
| 4. | Зооветеринария хизмати шохобчалари | 70 | 25 | 35,7 | 1,4 | 20,0 |
| 5. | Минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари шохобчалари | 157 | 80 | 51,0 | 4,7 | 29,9 |
| 6. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчалари | 157 | 70 | 44,6 | 7,9 | 50,3 |

шохобчалари, 157та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчаларини барпо этилган. 2018 йилда 25та (ушбу объектнинг ташкил этилаётган умумий сонига нисбатан 22,5%) мини-банк, 25та (35,7 %) зооветеринария хизмати, 80та (51,0 %) минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари шохобчалари, 70та (44,6 %) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчалари барпо этилди.

² Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1957-сонли Қарори асосида тузилган

3.3 - жадвал. Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган инфратузилма объектларининг сони³

| Инфратузилма объектлари | 2013й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. |
|--|-------------|-------------|-------------|--------------|--------------|--------------|
| Мини-банклар | 442 | 628 | 1207 | 1478 | 1462 | 1293 |
| Ёқилғи-мойлаш материаллар (ЁММ)ни сотиш шохобчалари | 514 | 972 | 1779 | 1757 | 1681 | 1357 |
| Минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини сотиш шохобчалари | 471 | 821 | 891 | 935 | 917 | 945 |
| Сув истеъмолчилари уюшмалар (СИУ) | 516 | 867 | 1676 | 1712 | 1487 | 1504 |
| Муқобил машина-трактор парклари (ММТП) | 579 | 796 | 1340 | 1389 | 1366 | 1641 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш шохобчалари | - | 300 | 443 | 424 | 420 | 346 |
| Зотдор молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари шохобчалари | - | 252 | 2180 | 2411 | 2596 | 2591 |
| Ахборот таъминоти ва консалтинг хизматлари шохобчалари | - | 202 | 295 | 300 | 318 | 341 |
| Транспорт хизмат кўрсатиш шохобчалари | - | - | 82 | 82 | 85 | 115 |
| Идишлар тайёрлаш ва кадоклаш шохобчалари | - | - | 78 | 78 | 78 | 143 |
| Жами | 2522 | 4838 | 9971 | 10566 | 10410 | 10276 |

Агар республика миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, ташкил этилган инфратузилма объектлари сон жихатдан бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга инфратузилма объектлари хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликлари сони ҳам хар хил. 2018 йилда Республикамиз бўйича битта МТП ўртача 151 та фермерга хизмат кўрсатган. Вилоятлар бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида (1280 та), энг паст кўрсаткич Қорақолпоғистон Республикасида (34 та). Мана шундай ҳолатни бошқа инфратузилма

³. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

объектлари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Бу вилоятлар бўйича ташкил этилган фермер хўжаликлари ва бозор инфратузилмалари объектлари ўртасида жиддий номутаносиблик борлигини кўрсатади.

Таҳлиллар идишларни тайёрлаш ва қадоқлаш, транспорт хизматларидан фойдаланган фермер хўжаликлари сони кўпроқ эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу турдаги хизматларга талаб юқори, хизмат кўрсатиш эса бошқа инфратузилмаларга нисбатан яхши. Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва минерал ўғитларни сотиш шохобчалари хизматидан фойдаланган фермерлар сони ҳам нисбатан юқори бўлиб, тегишлича 470; 368; 132 ташкил этади. Чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштираётган фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва йириклашуви натижасида ушбу хизмат турларига талаб ўсиб бормоқда. Унга мос равишда иқтисодий муносабатлар ҳам такомиллашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мини-банклар, СИУ, ЁММ сотиш, зотдор молларни сотиш ва зооветеринария шохобчалари хизматларидан фойдаланган фермер хўжаликлари бошқа инфратузилмаларга нисбатан сон жиҳатдан анча кам. (3.4-жадвал)

**3.4 - жадвал. Республика ҳудудларда битта инфратузилма объекти
хизматларидан фойдаланган фермер хўжалиklarининг ўртача сони⁴
(2018 йил ҳолатига кўра)**

| T/ p | Ҳудудлар | Муқобил МТП | СИУ | ЁММни сотиш шохобчалари | Минерал ўғитларни сотиш шохобчалари | Мини-банклар | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шохобчалари | Зотдор моллар ва зооветеринария хизматларини сотиш шохобчалари | Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати шохобчалари | Транспорт хизмат кўрсатиш шохобчалари | Идишлар тайёрлаш ва кадоклаш шохобчалари |
|--------------------------|------------------------------|-------------|-----------|-------------------------|-------------------------------------|--------------|--|--|---|---------------------------------------|--|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 34 | 35 | 35 | 44 | 82 | 122 | 50 | 237 | 450 0 | 750 |
| 2 | Андижон | 56 | 55 | 104 | 152 | 162 | 255 | 62 | 443 | 145 7 | 255 0 |
| 3 | Бухоро | 51 | 50 | 94 | 101 | 66 | 142 | 38 | 195 | 105 7 | 463 |
| 4 | Жиззах | 128 0 | 65 | 54 | 320 | 86 | 320 | 50 | 533 | 640 0 | 640 0 |
| 5 | Қашқадарё | 46 | 53 | 49 | 72 | 83 | 172 | 37 | 268 | 151 7 | 182 0 |
| 6 | Навоий | 63 | 58 | 63 | 114 | 110 | 275 | 58 | 220 | 330 0 | 330 0 |
| 7 | Наманган | 53 | 51 | 107 | 183 | 60 | 1217 | 62 | 608 | 664 | 913 |
| 8 | Самарқанд | 51 | 339 | 102 | 134 | 271 | 230 | 29 | 718 | 763 | 135 6 |
| 9 | Сурхондарё | 41 | 31 | 60 | 89 | 109 | 200 | 18 | 192 | 686 | 686 |
| 10 | Сирдарё | 74 | 79 | 67 | 129 | 91 | 838 | 108 | 167 5 | 223 3 | 670 0 |
| 11 | Тошкент | 41 | 41 | 64 | 72 | 75 | 155 | 43 | 439 | 564 | 494 |
| 12 | Фарғона | 86 | 91 | 131 | 204 | 107 | 288 | 77 | 306 | 210 0 | 490 0 |
| 13 | Хоразм | 91 | 88 | 90 | 107 | 81 | 576 | 62 | 280 | 980 0 | 980 0 |
| Республика бўйича | | 151 | 80 | 79 | 132 | 106 | 368 | 53 | 470 | 269 5 | 308 7 |

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Бугунги кунда инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Хомашё, материал ва тайёр маҳсулотнинг ўз вақтида олиб келиниши хўжалик айланмасида бўлган ресурс ҳажмини белгилайди. Саноатлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омиллари тез суръатда ўсишига нафақат қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш маблағларининг миқдоран ўсиши ҳисобига, балки маблағ ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган хизмат тизимини ташкил этилиши ҳисобига ҳам эришилади.

3.2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва унинг асосий секторларидан бири бўлмиш аграр соҳани барқарор ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири инновацион ривожланиш асосида иқтисодий ўсишни янги босқичга олиб чиқиш ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида ички ва ташқи бозорлардаги мураккаб рақобат муҳити шароитларида самарали фаолият олиб борувчи хўжалик бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда иқтисодий ривожланишнинг асосан истиқболли йўналишларига маблағларни йўналтириш борасида давлатнинг кўмаги беқиёсдир. Бунда, давлат томонидан тартибга солиш дастағлари жамият фаровонлигини янада оширишга йўналтирилган инновацион фаолият ва ижодий ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Бундай шароитда, узоқ муддатли истиқболни кўзлаб иш юритиш, тадқиқотлар ўтказиш, инновацион фаолиятни диверсификациялаш, инсонларнинг ижодий фаоллигидан юқори даражада фойдаланиш аграр тармоқ корхоналарини бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиши

зарурдир. Ишлаб чиқаришни концентрациялаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифатини ҳар томонлама яхшилаш ва янги маҳсулотларга бўлган талабларни рағбатлантириш рақобатбардошликнинг юқори даражасига эришишдаги асосий омиллар ҳисобланади. Кўплаб инновацион ўзгаришларни амалга ошириш учун йирик ҳажмдаги инвестициялар талаб этилиши муносабати билан, аграр соҳадаги инновацияларнинг асосий қисми деҳқон ёки фермер хўжаликларида эмас балки, аграр тармоқнинг йирик корхоналарини амалга оширилади.

Шу нуқтаи-назардан аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири инновация жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш ҳисобланади, бу эса аграр тармоқни, хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари билан изоҳланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида табиат, атроф-муҳит, иқтисодий ва ижтимоий билимларнинг уйғунлигини талаб этилиши тармоқнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ҳозирда, мамлакатимиз аграр секторида ижобий натижаларга эришилаётганлигига қарамасдан, ушбу соҳа аграр ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини белгилаб берувчи бир қатор кўрсаткичлар бўйича сезиларли даражада ортда қолмоқда. Мавжуд шаклланган вазият ва бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари аграр соҳани бошқаришда инновацион ёндашувни жорий этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда аграр соҳани барқарор ривожлантиришнинг асосий стратегияси инновациялар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳисобланади.

Инновацион жараёнларни бошқаришнинг асосий мақсади аграр тармоқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилари фаолияти кўламларини кенгайтириш учун кўйилган мақсадларга эришишда, бозорларда ўз ўринларига эга бўлишларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини оширишда,

харажатларни қисқартиришда, рақобатбардошликни таъминлашда ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўз аксини топади.

Ўзбекистон аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий ислоҳотлар тармоқнинг барча жабҳаларини қамраб олгани каби, инновация жараёнларини тартибга солишга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари ва тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалалари янада долзарблик касб этмоқда. Ҳозирда, ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда кузатилгани каби, Ўзбекистонда ҳам бозор шароитидаги кучли рақобатга чидамли бўлиб, ўз фаолиятини ривожлантириб бораётган корхоналар мувафақиятининг асосий омили айнан инновацион фаолият, унинг натижаси эса самарадорликнинг бош омили бўлмоқда. Шунинг учун, бозор муносабатлари иштирокчилари, биринчи навбатда товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари, ўзларининг жорий ва истиқболдаги рақобатбардошлиklarини таъминлашлари учун аниқ мақсадли инновация сиёсатини шакллантиришлари ва амалга оширишлари зарурдир.

Аграр тармоқнинг ривожланишини янги босқичга олиб чиқишга фақатгина, бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига инновацияларни жорий этиш ва инновация жараёнларини бошқаришни такомиллаштиришга боғлиқдир. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маблағларидан фойдланилаётган ҳолатларда, асосий турдаги технологияларга эга бўлган, лекин инвестицион маблағларга ва ялпи ишлаб чиқариш тажрибаларига эга бўлмаган бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқдир. Аграр тармоқ доирасида инновацион фаолиятнинг ушбу элементи муҳим аҳамият касб этади. Ҳамкорликнинг бундай кўринишини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин:

- илмий-тадқиқот ишларига инвестициялар киритиш;
- бошқарувчилик ёрдами кўрсатиш;

- ўхшаш ва номукамал технологиялар вужудга келганда мустақил корхоналарни аниқлаш;
- йирик ва кичик корхоналарнинг устуворликлари ва имкониятларини бирлаштириш;
- истиқболли ва юқори рискка эга бўлган ноанъанавий технологияларни ишлаб чиқувчи мустақил таркибий тузилмани ташкил этиш.

Ушбу вариантларнинг ҳар бирини алоҳида шарт-шароитлар орқали танлаб олинади ва бу узоқ муддатли истиқболда техник, ишлаб чиқариш ва маркетинг сиёсатларни ишлаб чиқиш учун ўзига хос “технологиялар жамланмаси”ни ташкил этади. Ушбу технологияларни техник-иқтисодий таҳлил қилиш ва апробациядан ўтказиш инновацияларни ташкил этиш учун асосномаларни ишлаб чиқиш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, аграр тармоқни ривожлантиришнинг замонавий инновацион сиёсати стратегиясини амалга ошириш учун тизимли ёндашувни таъминлайди. Бизнингча, ушбу масалани ҳал этиш учун агроиндустриал паркларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.



3.1 –чизма. Агротехнопаркнинг ташкилий иқтисодий модели

Аграр тармоқда инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг янги ташкилий-бошқарув механизми сифатида, таркибида ишлаб чиқариш йўналишидаги таркибий бўлинма билан бир қаторда кенг кўламли инновацион бўғинга эга бўлган аграр йўналишдаги, йирик, интеграциялашган корхона – агротехнопарк бўлиб ҳисобланади. Унинг янги инновацион ташкилий-иқтисодий моделини таклиф этамиз. Агротехнопарк – бошқарувчи компания ҳисобланиб (МЧЖ ёки ЁАЖ кўринишида бўлиши мумкин) инновацион ривожланиш ва аграр тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган аграр ишлаб

чиқаришни юритиш учун бизнес ва фанни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради (9– расм).

Агротехнопаркнинг ташкилий моделида стандарт агрохолдинглар фаолиятига мос бўлмаган, лекин мамлакат учун жуда зарур бўлган инновацион, таълим, экологик, ижтимоий, ахборот-реклама каби бир қатор функцияларни бажарилиши назарда тутилган. Шу нуқтаи-назардан, агротехнопаркларни ташкил этишда давлат органларининг иштироки зарурий ҳисобланади, бу хўжалик юритишнинг ушбу моделида агротехнопарк жойлашган ҳудуднинг интеллектуал ва аграр салоҳиятларини фаоллаштириш ҳисобига, биринчи навбатда ушбу ҳудуднинг ўзини-ўзи ривожлантириши учун фойда олишни назарда тутганлиги билан изоҳланади.



3.2 - чизма. Агротехнопарк даромадларининг тахминий манбалари

Хўжалик юритишнинг бозор муносабатлари шароитида агротехнопаркларни доимий равишда бюджетдан молиялаштириш кутилган

иқтисодий самарани келтирмайди, шунинг учун унинг таркибида асосий бўғин ўзининг асосий фаолиятдан даромад келтирувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари (фермер ва деҳқон хўжаликлари) ва қайта ишлаш корхоналари ҳисобланади. Ушбу таркибий жиҳатдан, таклиф этилаётган агротехнопарк агрохолдингга ўхшаб кетади.

Уларнинг ўртасидаги асосий фарқ агротехнопаркнинг ташкилий таркибида аграр тармоқда илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишларининг (НИОКР) амалга оширилишига, инновацияларни амалиётга жорий этилишига, малакали кадрлар тайёрлашга жавоб берувчи илмий бўғиннинг мавжудлиги ҳисобланади. Кейинги асосий фарқи эса, агротехнопарклар нафақат фойда олиш учун балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, агротехнопарк ишлаб чиқариш – хўжалик – инновация фаолиятини юритишнинг янги модели сифатида, келгусида мамлакатимиз аграр соҳасида инновацияларни амалиётга жорий этиш ва уларнинг тўлиқ фаолият юритишини таъминловчи асосий хўжалик юритиш шаклларида бири бўлиши мумкин.

Аграр тармоқнинг ривожланиши тенденциялари ва тармоқдаги инновацион фаолиятнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари, инновация жараёнларини тартибга солиш тамойиллари ва илмий ёндашувлари аграр тармоқда инновация жараёнларини ривожлантириш механизмлари моделини ишлаб чиқиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида инновация жараёнларини тартибга солиш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш имконини берди. Шунинг билан бирга, аграр тармоқни барқарор ривожлантириш ва тармоқда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция сиёсатини фаоллаштириш лозимдир. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги инвестиция жараёнлари иқтисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан орқада қолмоқда.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир. Инфратузилма барча хўжалик субъектлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг шаклланишида бевосита иштирок этувчи, уларни манфаатларини мувофиқлаштирувчи, тизимли йўналтирувчи, ишлаб чиқаришдан истеъмолчига бўлган жараёнларнинг узлуксизлигини таъминлашга ҳамда аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган муассасаларни ўз ичига олувчи бир бутун тизимдир.

2. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси меҳнат тақсимоти (баъзи ҳолларда авлодлар меҳнати) натижасида вужудга келиб доимий равишда такомиллашиб борувчи қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва қишлоқ аҳолисини такрор ишлаб чиқариш талабларига мос умумий шарт*шароитларни яратиб берувчи ҳамда соҳа маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ва ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини оширишни таъминлаш учун хизмат қиладиган тармоқлар ва корхоналар мажмуидир.

3. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини бозор талабларига мос равишда шаклланиши ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш, уларга умумий шарт-шароитларни яратиш учун хизмат қилади. У ўзининг мослашувчанлик, тезкорлик, боғланувчанлик ва оптималлик тамойиллари орқали АСМ тизимидаги корхоналарни бир-бири билан иқтисодий алоқаларини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда хизматларини хўжалик субъектларининг талабига мувофиқ замон, макон ва зарурий меъёردа

бозорнинг шароитига мос равишда етказиш орқали корхоналарнинг самарадорлигини оширади.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва инфратузилмавий таъминот тизимларининг функционал вазифалари шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фаолиятининг натижаси моддий объект-маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланса, инфратузилмавий таъминот эса такрор ишлаб чиқариш учун, асосий ишлаб чиқаришни ҳеч қандай муаммоларсиз ва узлуксиз амалда бўлиши учун шарт-шароитларни таъминлаб беради.

5. Қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда шундай сиёсат олиб бориш керакки, унда алоҳида олинган корхона, тармоқнинг локал муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлмасин, балки, бутун иқтисодиётни ягона иқтисодий мажмуа сифатида қараб, ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожланишининг умумий масалаларни ҳал этишда, ўзаро таъминот масалаларини ташкил этишда, унинг объектларидан фойдаланишда, ягона фан-техника баъзасини шакллантиришда, илмий асосланган ёндашувларга асосланиши лозим.

6. Қишлоқ ва туманларда хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш дастури доирасида сўнгги уч йилда 22 минг 800 дан ортиқ лойиха амалга оширилди, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1,6 баробар, қишлоқда бир кишига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1,5 баробар ошди.

7. Бугунги кунда инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Хомашё, материал ва тайёр маҳсулотнинг ўз вақтида олиб келиниши хўжалик айланмасида бўлган ресурс ҳажмини белгилайди. Саноатлаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омиллари тез суръатда ўсишига нафақат қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш маблағларининг миқдоран ўсиши ҳисобига, балки маблағ

ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган хизмат тизимини ташкил этилиши ҳисобига ҳам эришилади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги чора тадбирларни (таклифлар) амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

1. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўллашдан иборат ишларни амалга ошириш зарур.

2. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида ер бериш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш керак. Ердан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил олаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларига ўз фаолиятини кенгайтириши учун кўшимча ер майдонларини ажратиш лозим.

3. Фермерлар кенгаши Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги, Инновацион ривожланиш вазирликлари билан ҳамкорликни кучайтириши, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

4. Чет эл инвестицияларини иқтисодиёт тараққиётига жалб этиб, улар ҳисобидан хориждан олиб келадиган техника ва технологиялар замон талабига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлишини таъминлаш зарур.

5. Республикамизда маҳсулотни сотиш бўйича маркетинг концепциясини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари ўртасида иқтисодий манфаатлар мувозанатининг вужудга келтириб, айти вақтда бозорларни барқарор кенгайтириб, АСМда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий шарт-шароитларини оптималлаштиришга замин яратади.

. Бозор механизмнинг асосий элементлари бўлган: талаб, таклиф, рақобат ва нарх тизимининг мавжудлиги, уларни ўзаро уйғунлиги эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозори фаолият юритади. Мазкур элементларнинг ўзаро ҳамкорлигини мантиғи шундаки юқори даражада фойда олишга интилиш, фермер хўжаликлари ва жамият томонидан катта эҳтиёж сезилаётган, жамият аъзолари эса унинг учун пул тўлашга тайёр

бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ўз ресурсларини сафарбар этишларини талаб этади.

6. Озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида, фермер хўжаликлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини якуний истеъмолчисига етказиб бериш борасидаги иқтисодий муносабатларга ва институтлар тизимига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

7. Республикамизда фаолият кўрсатаётган қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб фермер хўжаликлари билан иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик хомашёсини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш фермер хўжаликлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, хомашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, маҳсулот йўқотишларини пасайтириш зарур.

8. Бугунги кунда, Интернет ва электроника даврида иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлар, Фармон ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 26 август 2004.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

8. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т. 16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон

шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. ЎР Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 16 январь 2017 йил.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил.

12. Мирзиёев Ш.М. Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили// “Халқ сўзи” 2016 йил 31 декабр

III. Китоб, монографиялар ва туркум нашрлар

13. Алиева М.Т., Салимова Б.Х.. «Меҳмонхона менежменти» Т: «Молия» 2005.

14. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007

15. Биржаков М.Б., Введение в Туризм. Учебник. – М., СПб.: «Издательский дом Герда», 2006.

16. Говорин А.А. Инфраструктура современного предпринимательства: проблемы, теории и практики. М.: 340 “Финстатинформ”, 1999

17. Гуляев В.Г. «Правовое регулирование туристской деятельности». -М.: Финансы и статистика, 2005.

18. Козырев В.М. , Зорин И.В., Сурин А.И.и др. Менеджмент туризма. Экономика туризма. Учебник. -М.: Финансы и статистика, 2004.

19. Кэмбел Р. Макконелл. Стенли Л.Бю. Экономикс. Принципы, проблемы и

политика. 1-2 книги - М.: Республика, 1993.

20. Макконелл К.Р., Брю С.А. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: республика, 1992. Т.1.

21. Маматов А.А., Хуррамов А.Ф., Сатторкулов О.Т., Маматов М.А. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиши.–Т.: «Иқтисодиёт», 2014.

22. Салимов Б.Т. ..Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти–Т.: ТДИУ. 2004

23. Самуэлсон П. ”Экономика”. М.: Алгон, 1992, т.2.

24. Селезнев А. “Становление рынка и его инфраструктуры”. М.:Дело. 1999

25. Ташматов Р.Х. Қишлоқ хўжалигини институционал ривожлантириш. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.

26. Ильина Е.Н. Туроперейтинг: организация деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2005.

27. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Иқтисодий луғат..Т.1995.

28. Янкевич В.С. Маркетинг в гостиничной индустрии и туризме. -М.: Финансы и статистика, 2003.

28. Чернявский Н.Ф. “Инфраструктура сельскохозяйственного производства. М.: Дело. 2012.

30. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.

31. Фермер хўжаликлари учун бозор инфраструктурасини ривожлантириш. / ЮСАИДнинг “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар” лойиҳаси кўмагида тайёрланган ИТМ маърузаси. – Т., 2004.

32. Федко В.П., Федко Н.Г. “Инфраструктура товарного рынка”. Ростов на Дону: Феникс, 2000.

IV. Журналлардаги мақолалар

33. Алимқулов И., Давронов З. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий давлатлар тажрибаси Ж-л. “Иқтисодиёт ва

таълим” 2016 й. № 1.

34. Исақов Ж. Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши. 2017 й. №4.

35. Шодманов Ш. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиши. Ж-л Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2014 й. № 2.

36. Расулов Ш. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2018 й. №7.

V. Хорижий адабиётлар

37. Medlik, Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality. Printed and bound in Great Britain by Biddles Ltd -3rd ed, 2003.

38. Brassington, F. and Pettit, S. Principles of Marketing. 2nd ed, Prentice-Hall, 2002.

39. Wright, L.T. and Crimp, M. The Marketing Research Process. 5th ed., Financial Times/Prentice-Hall, 2002.

40. Richard Sharpley and David J. Telfer, Tourism and Development: Concepts and Issues, Printed and bound in Great Britain by Cambrain Printers Ltd. 2002.

VI. Интернетдан олинган адабиётлар

41. www.uza.uz Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлигининг расмий сайти.

42. http://www.usda_programs. Один из важнейших факторов развития сельского хозяйства США – государственное регулирование

43. www.portal.uz

44. www.ziyonet.uz

45. www.lexs.uz